БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 18 май Жума

№ 94 (13.530). Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

Жумҳурият янгиликлари

ЛЕНИН НОМЛИ давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил 300 гектар ерга иссиқлик ёрдамида ишлов берилган чигит экдилар. Экиш олдидан уруғликка ишлов беришнинг бу услубини қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Р. Кенжаев таклиф қилди.

Давлат хўжалиги директори М. Арзиевнинг хабар қилишича, чигитлар бир текисда ва эрта униб чиқиб деҳқонларга ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки культивация бошлаш имконини берди. Ўтган йили Х. Облобердиев бошлиқ звено аъзолари олимнинг тавсиясидан фойдаланиб, уч гектар ерга шундай уруғлик экишган эди. Тажриба янги услубнинг самарадорлигини исботлади. Ҳосилдорлик деярли саккиз центнер ошди.

Услубнинг афзалликларидан бири — уруғликни дорилаш керак бўлмайди. Уруғлик ерга экологик жиҳатдан соф технология асосида қадалади, махсус кийим-бош ва химиявий моддалар учун қўшимча харажатларга ҳожат қолмайди. Сараланган ва 80-90 даража ҳароратда тобланган уруғликлар замбуруғлар туфайли юзага келадиган касалликларга ва вилтга чалинмайди.

Ҳозир Китоб ноҳиясидаги Куйбишев номли жамоа хўжалиги, Шаҳрисабздаги «Гулистон» жамоа хўжалиги, «Косон» давлат хўжалиги деҳқонлари пахтани Р. Кенжаев тавсиялари асосида етиштиришяпти. Тажриба майдонларидаги уруғлик анча яхши ўсганлиги билан фарқ қилмоқда.

* * *

БЎЗ НОҲИЯСИДАГИ Карл Маркс номли жамоа хўжалиги бошқаруви хўжалик меҳнаткашларини ер участкалари билангина эмас, шу билан бирга қурилиш материаллари билан ҳам таъминламоқда. Бу ерда хўжалик меҳнаткашлари ва қишлоқ зиёлиларининг икки юздан зиёд оиласи якка тартибда уй қуриш учун ер олди.

Маҳаллий усталар жамоа хўжалигида қурган янги ғишт тайёрлаш цехининг маҳсулоти ҳам жуда қўл келди. Бу цехда йилига бир миллионтадан кўпроқ хом ғишт қуйилади. Анъанавий қишлоқ синч уйини қуриш учун эса атиги 10-15 мингта етарли.

Хўжалик ёғоч-тахта талабнинг ошиб кетишини олдиндан билиб, ўтган йилнинг кузидаёқ Нягань ўрмон саноати хўжалиги жамоаси билан Бўзга бир неча минг кубметр ёғоч-тахта ва хода етказиб бериш тўғрисида шартнома тузган эди. Шунинг учун бу ёғоч қисми ҳозирнинг ўзидаёқ етиб келди ва аҳолига бозор нархларидан анча арзонроқ баҳода сотилди.

— Ҳозир биз ўз консерва заводимизни қуриб битказаяпмиз, — дейди жамоа хўжалиги раиси Нўъмонжон Маҳсудов. — У йилига уч миллион шартли банка маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Бундай корхонадан икки томонлама фойда бор: биринчидан, 60 дан кўп киши ишга жойлашади, иккинчидан эса бу маҳсулот эвазига биз Россия ва Сибирдаги харидорлардан ўзимизда етишмай турган шифер, цемент, ёғоч-тахта материалларини оламиз.

Бўз ноҳиясидаги кўпгина хўжаликлар деҳқонлари РСФСРдаги меҳнат жамоалари билан амалий ҳамкорлик қилишмоқда. Натижада бу қўриқ ноҳиянинг етти жамоа хўжалиги ва бир давлат хўжалигидаги қишлоқларда янги уйлар тез суръатлар билан қад кўтараяпти.

(ЎзТАГ).

Келажагимиз—мактабда

БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭРТАНГИ КУНИ МАКТАБДА. МАКТАБНИ БАХТЛИ ҚИЛСАК — ЭРТАНГИ КУНИМИЗ ҲАМ БАХТЛИ, САОДАТЛИ БЎЛАДИ.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Мурожаатномасидан).

Қувонч ва ташвишлар

Узоқ эмас, бундан бир неча ой муқаддам ҳам Избоскан ноҳиясидаги 12-ўрта мактаб ўқувчилари совуқ, қулаб тушиш хавфи бўлган авария ҳолатидаги таълим масканида сабоқ олардилар. Ота-оналар фарзандлари тақдири ташвишида ўтган йил бошида СССР халқ депутати Абдукарим Мўминов, жумҳурият халқ депутати Муталлиб Жиловга мурожаат қилдилар. Шубҳасиз, таълим маскани мутасаддилари жуда кўп эшиги берк хоналарга бош уришди. Ниҳоят, масалага жиддий ёндашилди. Избоскан ноҳиясидаги 19-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари жуда тез муддатда 834 ўринли янги мактаб биносини тикладилар. Таълим масканига улуғ адиб Абдулла Қодирий номи берилди.



Мактаб барча замонавий қулайликларга эга. Кабинетлар кенг ва ёруғ. Ўқувчиларга ёпиқ ўқ отиш тири, иссиқхона, 2 та қишки спорт зали, 217 ўринли фаоллар бўлмаси, 210 ўринли ошхона совға қилинди. Тўғри, қурувчилар яхши ишладилар. Аммо улар турғунлик йилларидаги каби айрим ишларни ярим-ёрти, чала ташлаб кетдилар. Чунончи, янги бинога олиб келинган жиҳозларни жойлаштириш ўқувчилар зиммасига тушди. Албатта, бу шунчаки «арзимайдиган» юмушдек туюлиши мумкин. Аммо 270 минг сўмлик жиҳозларни жой-жойига қўйишнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, парта ва тахталарнинг қотиргичларини мустаҳкамлаш, тиклаш осон эмас. Айниқса, аёллар учун ортиқча ташвиш бўлди. Энг муҳими, йил якуни арафасида топширилган мактабда мутасаддилар бармоқ тишлаб қолдилар. Билим маскани учун ажратилган маблағнинг ҳаммасини ўзлаштиришга улгуриб бўлмади. Бу маблағ бизнинг қуюшқонга сиғмайдиган қоидаларимизга мувофиқ ҳисобдан чиқариб юборилди. Энди уни қайтариб, маорифчиларга бериш қоронғу.

Масаланинг яна бир томони. Оёқ ости зах. Бетон, Линолиум қопланмаган. Таъкидланишича, лойиҳада кўрсатилмаган экан. Шундай-ку-я, лекин болаларда нима айб? Улар машғулотларни чанг ютиб, захда ўтказадиларми? Бу ҳақда жиддий бош қотириш лозим.

Биз яқинда А. Қодирий номли мактабда бўлдик. Янги бинода машғулотлар қизиқарли олиб борилаяпти. Муқимжон Шамсиддинов, Каримжон Ўтанов каби муаллимлар дарсларни кўргазмали қуроллар ва воситалар ёрдамида таъсирчан, жонли ўтаяптилар. Сиз кўриб турган суратларда қизиқарли машғулотлардан лаҳзалар акс этган.

Аъзамжон МИРЗАЖОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Муаллиф сурати.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазири Комилжон Юсупов билан Наманган вилоятига боришга тайёргарлик кўраётгандик.

25 апрель куни вазир ҳузурларига кирсам, у киши «Ёш ленинчи» рўзномасининг шу кунги сонини кўрсатиб:

— «Ёш ленинчи»ни ўқийсизми! — деб сўрадилар.

Мен кўп йиллар бу рўзноманинг штатсиз мухбири бўлганим, мақолаларим билан фаол қатнашиб турганим ҳамда рўзноманинг қирқ йиллик тўйида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиғини олганимни айтдим.

— Жуда яхши, — деди вазир. — Рўзноманинг бугунги сонида Наманган вилоятидан «Ёш ленинчи» мухбири Фозилжон Шодмоннинг «Алдовларнинг чеки борми!» сарлавҳали танқидий мақоласи босилибди. Мақола билан танишинг. Наманганда бўлганимизда, шу мактаб қурилиши билан яқиндан танишиб, қурилишни тезлатишга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

Мақола билан танишдим. Унда Чуст ноҳиясидаги Навоий номли жамоа хўжалигида қурилаётган янги мактаб биносидаги ишларнинг ўта суст аҳволдалиги кескин танқид қилинганди.

Наманганда вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари билан биргаликда шу мактабда ҳам бўлдик. Мақолада келтирилган барча далиллар тўла тасдиқланди. Мактаб қурилишини 1-«Наманганоблагропромстрой» бирлашмасига қарашли 133-хўжаликлараро кўчма ускуналаштирилган қўшилма (бошлиғи М. Жаъфаров) бунёд этаётган, унда Неъматжон Эгамбердиев бошлиқ саккиз кишилик бригада меҳнат қилаётган экан.

Бригада аъзолари билан суҳбатда бўлдик. Улар

Рўзномада чиққандан сўнг...

Амалий ишга киришилди

қурилиш материаллари: ғишт, бетон блоклар етишмаслигидан нолишди.

Чуст ноҳияси ва шаҳардаги мактаблар қурилишини ва Чуст педагогика билим юртининг икки қаватли ошхонаси қурилишини тезлатиш юзасидан ноҳия фирқа қўмитасининг саркотиби Р. Муртазоев билан мулоқотда бўлишимизга тўғри келди. Кейин 1-«Наманганоблагропромстрой» бирлашмаси бош муҳандиси Аҳмаджон Фозилов ҳузурида бўлиб, худди шу масалада мурожаат қилдик. Аҳмаджон столи устидаги қоғозларни кўрсатиб, бизни амалдаги йилда олиб борилаётган қурилишлар ҳажми билан таништирди. Чустдаги мактаб хусусида фикрини билдирди.

— Бу мактаб маҳаллий кенгашлар маблағи ҳисобига қурилаяпти. Буюртмачи Наманган вилояти ижроқўмининг капитал қурилиш бошқармаси. Мактаб қурилиши ўтган йили бошланган. Ўтган йили ўн минг сўмлик қурилиш монтаж ишлари бажарилган бўлса, бу йил 95 минг сўмлик иш бажариш режалаштирилган. Бу режани, албатта, бажарамиз. Мактаб қурилишида жами 667 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак ва уни 1991 йилнинг учинчи кварталда тугатиш лозим. Режа, албатта, бажарилади.

Кейин шу масалада вилоят фирқа қўмитаси биринчи котиби Б. О. Олломуродов ва вилоят ижроқўми раиси Б. Ж. Ҳакимовлар ҳузурида бўлиб, вазир К. Юсупов яроқсиз ҳолга келиб қолган ҳамда қурилиши жуда суст бораётган мактаблар қурилишида амалий ёрдам берилишини сўради ва ижобий жавоб олди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Келажагимиз — мактабда» номли мурожаатномасида: «Мактаб бинолари ўз вақтида, фақат юксак сифатли ҳамда барча жиҳозлар билан таъминланган ҳолда фойдаланишга топширилиши бинокорлару таъминотчиларнинг энг муҳим ва долзарб иши бўлиб қолмоғи керак», деб жуда тўғри айтилган. Гап ижроси билан қадрли эканлигини эндиликда ҳар биримиз унутмаслигимиз керак.

Биз Наманганда бўлганимизда хайрли бир тантанада қатнашдик: Тўрақўрғон ноҳиясида Садриддин Айний номли мактабнинг янги биноси фойдаланишга топширилаётган экан. Демак, мактабга эътибор, ёшларга эътибор давом этмоқда. Тез орада Чустдаги мактабнинг янги биноси очилишида иштирок этсак ажаб эмас...

Муртазо СУЛТОНОВ,
ЎзССР халқ таълими вазири муовини.

Айни муддао бўлди

М. ҚОСИМОВА

Тошкент вилоят Янгийўл ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалиги аъзоси

Катта ўғлим Абдукомил армия ёшига етди. Уни ноҳия ҳарбий комиссариати тиббий кўрикдан ўтказиб, вилоят ноҳия чақириқ манзилига юборди. Бу ерда ҳам тиббий кўрикдан ўтди. У қурилиш отрядига хизматга борармиш. Буни қаранг-ки, менинг ўғлим Абдукомил Қосимов ўз йигитлик бурчини Туркистон ҳарбий округида ўтайдиган бўлибди. Мен авваллари ўғлимни қайси юртга олиб кетаркин, ўзи нозикроқ эди, ўта совуқ иқлимли жойга тушса, аҳволи нима кечаркин деб жуда қаттиқ хавотирда эдим.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши гражданларнинг ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши тўғрисида қарор қабул қилиб, ўзбекистонлик йигитларни Туркистон ҳарбий округидаги қурилиш қисмларида хизмат қилишларини белгилаб берганлиги айни муддао бўлди. Армия сафига чақирилаётган ва ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган йигитларнинг ота-оналари қатори мен ҳам ҳукуматимиздан миннатдорман.

ДОРИЛФУНУНЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қоҳирадаги Айн-шам дорилфунуни билан Тошкент Давлат дорилфунуни ўртасидаги алоқалар кўп йиллик танаффусдан кейин қайта тикланди. Мазкур олий ўқув юртлари 70-йилларнинг охирларида СССР ва Миср ўртасидаги муносабатлар ёмонлашганлиги натижасида тўхтаб қолган қадимий алоқаларни тиклаб, кўп томонлама ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Ҳамкорлик режаларида талабалар ва муаллимларнинг бир-бирларига бориб ўзаро тажриба ўрганишлари, илмий адабиётлар ва ахборотлар алмашиш, Ўзбекистон ва Миср илмий муассасаларида сақланаётган қўлёзмаларни биргаликда ўрганиш назарда тутилади. Тошкентлик муаллимлар Қоҳира дорилфунунида геология, экология, ўзбек тили ва адабиёти, физика, математика фанларидан лекциялар ўқишади. Қоҳиралик муаллимлар эса Тошкентда араб адабиёти ва тилидан дарс беришади. Шу йилнинг ўзидаёқ дорилфунунда бир-бирларига иш ўрганиш учун мутахассислар юборишади.

Айн-шам дорилфунуни олимлари Ўзбекистон илмий жамғармаларида сақланаётган қадимий қўлёзмаларга, айниқса, катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Араб тилида битилган 20 мингдан кўпроқ қўлёзма ноёб ҳисобланади. Тошкент Давлат дорилфунунининг олимлари ва мутахассислари шартномага биноан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида сақланаётган Шарқ қўлёзмалари мажмуаси 11 жилдини ўзбек ва рус тилларидан араб тилига ўгириб беришга ёрдам берадилар. Ўзбекистон билан Миср Араб Жумҳуриятидаги бошқа ўқув юртлари ўртасида ҳам алоқалар кенгайиб бормоқда. Тошкент политехника институти яқин кунларда Ал Миний дорилфунуни намояндаларини қабул қилади, у мазкур дорилфунун билан ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш ниятида.

И. ГРЕБЕНЮК (ЎзТАГ мухбири).

ОЛТИН ЁШЛИК БАЙРАМИ

Бугун ҳар бир нарса ўзгача кўрингандай бўлади. Ҳамма нарсада гўзаллик барқ ургандай туюлади. Қалбинг севинчга тўлиб, кимгада сўзламасанг қалбинг тошиб кетаётгандай...

Бу битирувчи синф ўсмирларининг ҳолатини пайқагандирсиз? Айниқса сўнгги қўнғироқда юракларнинг бир қалқиб тушганини-чи?

Охирги қўнғироқни бир умр ёдда сақламоқ учун уни қандай ўтказмоқ керак? Албатта у дақиқаларнинг унутилмас бўлиб қолиши, фақат ўқувчиларгагина эмас, биз катталарга ҳам боғлиқ.

Шу мақсадда иштихонлик битирувчи синф ўқувчиларининг бахти кулди. Улар сўнгги қўнғироқларини тантанали кутиб олишга ўзларигина эмас. ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва «Нигоҳ» театр студияси билан биргаликда тайёргарлик кўрмоқдалар. Ноҳия комсомол қўмитаси бу ишни бошловчиларнинг биридир.

25 май куни ноҳия марказидаги маданият ва истироҳат боғи болаларнинг шодон кулгулари билан тўлишига шак-шубҳа йўқ. Ўша куни «Нигоҳ» театр студияси ўзларининг театрлаштирилган чиқишлари билан болаларни, йиғилганларни хушнуд этишади. Тантанага қўшни ноҳиядан ҳам битирувчи синф ўқувчилари таклиф қилинади.

Кимда ким «Олтин ёшлик» байрамида иштирок этмоқчи бўлса, Иштихонга марҳамат қилсин. «Нигоҳ» театр студиясининг табрикларини иштихонликлар билан биргаликда томоша қилсинлар.

ЁШЛИК САЙЛИГА МАРҲАМАТ!

Қайта қуриш йўлларида

БЕМОРЛАР ТАШВИШИДА...

Байналмилал қурувчилар бригадаси бир марта фойдаланиладиган шприцлар чиқарадиган заводнинг ишлаб чиқариш биноси карксини ўрнатиб бўлмоқдалар. Бу корхона Тошкент вилоятининг Орджоникидзе ноҳиясида жадал суръатлар билан бунёд этилмоқда. 4 минг квадрат метр майдонда енгил металл конструкциялари қад кўтарди. Уни Испаниянинг «Фаберсанитас» фирмаси ҳамда тиббий асбоблар тижорат корхонасининг мутахассислари бунёд этмоқдалар.

— Иш жадвали бўйича ҳаракат қиляпмиз, — дейди инженер-механик Фернандо Морено. — Яна 10 кундан сўнг ўзимизга топширилган вазифани бажарамиз. Ўрнимизга бошқа бригада келади. У ҳозир йўлда.

Айни вақтда Тошкент вилоят қурилиш бошқармаси 4-махсус трестининг 126-кўчма механизациялашган колоннаси бинокорлари маъмурий-маиший бино пойдеворини қуришга киришдилар.

Тиббий асбоблар корхонасининг асосий хосияти шундаки, у бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқарувчи экология жиҳатидан тоза завод ҳисобланади.

— Бу менинг ҳисобимдаги биринчи корхона эмас, — дейди «Фаберсанитас» фирмасидан қурилиш раҳбари Хосе Мария Вайес Каррерас. — Биз унгача Қувайт, Ҳиндистонда қурганмиз, Испанияда иккита корхона бунёд этганмиз... Экология курашчилари корхоналаримизга ҳеч қандай эътироз билдиришгани йўқ.

Хосе Мария Вайес Каррерас Тошкент лойиҳаси учун жавобгар шахсдир. У қурилишда бўлиш муддатини шундай изоҳлади: «Дастлабки бир миллион дона шприц ишлаб чиқарилмагунича шу ерда бўламан».

Қурилиш майдонида тиббий асбоблар тижорат корхонаси монтажчилар бригадасининг бошлиғи Владимир Проценко билан танишдиқ. Унинг ўзи ва у бошлиқ йигитлар қурилиш кетаётган пайтда вақтинча монтажчи бўлиб ишлаётган эканлар. Улар кейинчалик заводда ўзларининг асосий мутахассисликлари бўйича: шприцларни тозалаш цехида оператор бўлиб ишлашади.

— Мўлжалланган ўринларни асосан банд қилиб бўлдик, — дейди тиббий асбоблар заводининг директори В. Лемерг. — Конкурс асосида юзга яқин ишчини танлаб олдик. Уларнинг ҳаммаси ёшлар. Ҳозир Сарагос шаҳрига борадиган инженер-техник мутахассислар биринчи гуруҳи учун сафар ҳужжатларини расмийлаштиряпмиз. Улар «Фаберсанитас» фирмасининг заводида таълим оладилар. Асосий ишчи мутахассислиги бўйича тузиладиган кейинги гуруҳ Испанияга сентябрь ойида боради.

Қурилишнинг ўзига келганда эса, бу ерда муаммолар унча кўп эмас. Тўғри, Қора денгиз пароходчилиги бироз панд бераяпти. Металл конструкциялари ортилган биринчи кема уч ҳафта кеч қолди, иккинчиси ҳам ушланиб қолмоқда. Қолоқликни қурилиш майдонида зарбдор меҳнат билан тугатишга тўғри келмоқда. Лекин корхона ҳеч қандай баҳона ва сабабларга қарамай, шартномада белгиланган муддатда ишга туширилади.

Завод йилига юз миллион дона бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқариш қувватига эга эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Бу ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг дастлабки босқичидир. Корхона учун асраб қўйилган майдонлар келажакда шприцлар ишлаб чиқаришни икки марта кўпайтиришга имкон беради. Режамизнинг иккинчи банди ҳам ўз кучида қолади — «Фаберсанитас» фирмаси билан биргаликда ниналар, бир марта фойдаланиладиган бошқа тиббий асбоблар ишлаб чиқарадиган корхона тузилади.

М. ГАРВУЗЕНКО,
(ЎзТАГ мухбири).

Тошкент вилоятининг Орджоникидзе ноҳияси.

СПИТАКДА УЙ НЕЧА ПУЛ?

Янги Спитакнинг меъморий қиёфаси ватман қоғозда эмас, балки конкрет ҳудудда кўзга ташлана бошлади. Бу ерда бир-икки онлага мўлжалланган 26 та икки қаватли коттеж қурилди. Бу уйларни қурган ўзбекистонлик қурувчилар ҳозирнинг ўзидаёқ уч минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топширдилар. Ўнлаб оилалар коммуникацияларнинг уланишини кутиб ўтирмай, ўз уйларига кўчиб ўтдилар.

Ўзбекистондан келган қурувчилар бўлажак шаҳарда май ойининг охиригача яна шунча уйни қуриб битказадилар. Бироқ янги уйларга кўчиб кирган дастлабки оилаларнинг қувончи ва некбинлигини ишчилар унчалик асосли деб ҳисоблашмаяпти.

— Анча кўпроқ ишни амалга ошириш мумкин эди, — дейди «Узспитакстрой» бирлашмаси бошлиғининг ўринбосари А. Веревкин. — Бироқ регионда вужудга келган беқарор вазият бизнинг режаларимизга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Йўллар тўсиб қўйилганлиги туфайли материаллар мунтазам етказиб берилмаётганлиги ўтган йили ҳам, ҳозир ҳам ишларимизни тўхтатиб қўйди. Ишлаб чиқариш базасини бунёд этишни тугаллай олмай, биз бу йилги режаларни қайта кўриб чиқишга ва уларни 110 минг квадрат метр уй-жойдан 32 минг квадрат метргача камайтиришга мажбур бўлдик, ҳозир ҳатто шу режа ҳам барбод бўлиш хавфи остида турибди.

Маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланишга ҳар қанча уринмайлик, натижа бўлмади. Уларнинг ё сифати тўғри келмайди, ёки ўзи етишмайди. Ўз ишимиз билан шуғулланиш ўрнига биз доим ўзгариб турадиган вазиятга мослашишга, одамларни иш билан қандай таъминлашни ҳал этишга мажбур бўлаяпмиз. Ҳозир қурилишда тўрт мингдан кўпроқ одам ишласа бўларди, вужудга келган вазиятда эса фақат минг киши ишлаяпти. Юкларимиз темир йўл орқали мунтазам етказиб берилишининг иложи бўлмаётгани туфайли биз ёрдам сўраб, бир неча бор авиаторларга мурожаат қилдик. Ташиган нарсамиз эса шағал, қум, арматура! Шундай рейснинг ҳар бири 30 минг сўмга тушади. Шу пулга икки қаватли коттеж қуриш мумкин.

Йўлларнинг тўсиб қўйилиши вайрон бўлган Арманистонгагина эмас, шу билан бирга унга ёрдам қўлини узатган барча жумҳуриятларга зарар келтираяпти. Бу ердаги асоссиз қўшимча харажатлар бошқа регионлардаги кишилар фаровонлигига салбий таъсир қилаяпти. Чунки, бу маблағлар жумҳурият бюджетларидан ажратилади. Тайёраларда қум, шағал, арматура ташишнинг ўзи исрофгарчиликдир. Албатта, ўзбекистонлик қурувчилар бу жабрдийда заминда яна болалар кулгуси жаранглаши ва ҳар бир уйга оддий инсоний қувонч кириб келиши учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни бажаришга ҳаракат қилаяптилар. Спитак вайроналарини ҳар куни кўрамиз. Токи, шу вайроналар ўрнида янги даҳалар пайдо бўлмас экан, биз бу ердан кетмаймиз.

А. ШАХВАЗЯН,
ТАСС мухбири.
Ереван.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси I пленуми томонидан қабул қилинган қарорлар, резолюциялар ва мурожаатлар

«КОМСОМОЛ ВА СССРДА ЁШЛАР СИЁСАТИ» РЕЗОЛЮЦИЯСИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ёш авлоднинг мураккаб иқтисодий аҳволи, интеллектуал ҳолати, жисмоний ва аҳлоқий саломатлигидан жиддий ташвиш ва безовталикни ифодалайди. Ёшлар тенг ҳуқуқлар ва эркинлик эълон қилинган пайтда аҳолининг бошқа қатламларига қиёсан уларни рўёбга чиқаришда реал имкониятлари кичикдир.

Ёшларнинг иқтисодий ва ижтимоий тенгсизлигини бартараф этиш зарур деб ҳисоблаб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси:

— «СССРда давлат ёшлар сиёсатининг умумий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида таърифлаб берилган давлат ёшлар сиёсатининг асосий йўналишларини қўллаб-қувватлайди, уни тезроқ қабул қилинишини изҳор этади;

— ВЛКСМдан СССР халқ депутатларига СССР Вазирлар Кенгашида ёш фуқаролар ва ёш оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий таъминланиши тубдан яхшиланиши ҳақидаги биринчи галдаги ва истиқболдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги масалани махсус ҳал этиб, «Давлат ва ёш фуқаро» қонун лойиҳаси бўлимини тайёрлашни ўз назорати остига олишни топширади;

— комсомол фаолиятининг муҳим йўналиши — СССРда ёшлар сиёсатини рўёбга чиқариш механизмини яратишда қатнашиш, йигит-қизларнинг муаммоларини давлат органлари, шунингдек, ўз кучлари орқали ҳал этиш деб ҳисоблайди;

— «Ёшлар» музофот ҳаракатномаларини яратиш; ёшлар сиёсатини амалга оширишда сиёсий фирқалар, касаба союзлари ва бошқа жамоа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тарафдори бўлиб чиқади;

— биринчи галдаги чора-тадбирлар сифатида қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимияти доирасида жамиятни бошқаришнинг барча даражаларида ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган балоғатга етмаганлар ва ёшлар ишлари бўйича бўлинмалар ташкил этишни таклиф этади;

— СССР Олий Шўросининг ёшлар ишлари бўйича Қўмитасига ёшлар ишлари юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Шўролари томонидан доимий комиссиялар ва бошқа депутатлик органлари тўғрисидаги Қўмитанинг тавсияларини қабул қилиниши ҳақидаги таклиф билан мурожаат этади;

— ёшлар сиёсати масаласи бўйича сайлаб қўйиладиган комсомол органларида комиссиялар ташкил этиш амалиётини қўллаб-қувватлайди;

— ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюросига СССРда давлат ёшлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда (музофот хусусиятларини, миллий ва маданий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда) ягона ёндашувни ишлаб чиқиш мақсадида комсомол ва Шўролар ҳамжиҳатлиги, ёшлар ишлари бўйича доимий депутат органлари фаолияти юзасидан семинар-кенгашлар, ёш депутатлар иштирокида комсомол қўмиталари вакилларининг учрашувларини ташкил этиш ва ўтказишни топширади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси мамлакат раҳбариятидан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш юзасидан ғоят шошилинч ва амалий ҳаракатлар қилишларини талаб этади.

«ЁШЛАРНИНГ ХЎЖАЛИК ТАШАББУСКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

ВЛКСМ сиёсий мақсадига совет жамиятини тубдан қайта қуриш шароитида комсомолнинг диққат марказига ёшларнинг аниқ манфаатларини, уларнинг ташаббускорлигини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишни қўйиш орқалигина эришиши мумкин, холос. Давлат турмушида реал қатнашишга ишонч ёшларда фуқаролик камол топишини эндиликда ўз умрини яшаб бўлган яккаҳокимлик-давлат шаклларининг иқтисодий доираларида кўриб чиқиш мумкин эмас. Бугунги кунда комсомолнинг туб муаммоси иттифоқ иқтисодий имкониятининг омилкор, яхлит механизмини пишиқлаштириш, ўзининг моддий базасини давлат, бошқа жамоат ташкилотлари билан ёшларни бунёдкорлик меҳнатига кўпроқ жалб этиш мақсадида ҳамжиҳатлик системасини яратиш ҳисобланади.

Бу механизм ёшларнинг ташаббускорлигини, йигит ва қизларнинг мустақил хўжалик фаолиятида қатнашиш истагини рўёбга чиқариш имкониятини беради. Ёшларнинг иш билан банд бўлишини таъминлайди, ижодий фаолликни ривожлантиради, янгича иқтисодий мушоҳада қилишни, замонавий раҳбарлар авлодини тарбиялайди.

ВЛКСМ қўмиталари сўнгги икки йилда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгаши қўллаб-қувватлашида тўла хўжалик ҳисобида ҳамда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган ва ёшларнинг муаммоларини ҳал этишга, моллар ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга, ижтимоий аҳамиятга молик хайрия лойиҳалари ҳамда ҳаракатномаларини амалга оширишга йўналтирилган ишлаб турган корхоналарнинг тармоғини бунёд этмоқдалар.

Шу билан бир қаторда сўнгги вақтларда мамлакат ҳукуматида, унинг молиявий органларида ВЛКСМ системасида ёшлар корхоналарининг ишлаб туриши аҳамияти ва шароитларини етарли даражада англаб етиш, уларнинг ривожлантиришдан манфаатдорлик йўқ.

Бу СССР Вазирлар Кенгаши ва СССР Молия вазирлигининг сўнгги қарорларида, шунингдек, давлат, ижара, ширкат, жамоат ва бошқа корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг солиқлари тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топди. Таклиф этилаётган қонуннинг қабул қилиниши ёшлар корхоналарининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга, улар томонидан бир қатор ижтимоий ва хайрия ҳаракатномаларига маблағ ажратишни тўхтатиб қўйишга олиб келади, 200 мингдан зиёд ёш ходимни ишдан маҳрум этади. Изчил давлат ёшлар сиёсати мавжуд бўлмаган шароитда бу қадам, моҳият эътибори жиҳатидан, қарийб 3 миллиард сўмлик маҳсулот ҳамда хизмат кўрсатишни амалга ошираётган ижтимоий-иқтисодий комплексни тугатиб, ёшларнинг иқтисодий имкониятини ва молиявий базасини кескин сусайтиради.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми СССР Олий Шўросига ва СССР Вазирлар Кенгашига:

— ёшлар муаммоларини ҳал этиш муносабати билан қайта кўриб чиқиш, мамлакат халқ хўжалигининг инфратузилмасида ёшлар иқтисодиётининг яхлит шўъбасини ташкил этиб, ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий механизмларини яратишга кўмаклашишга;

— ёшлар жамоат ташкилотлари ва уларнинг корхоналари мамлакат халқ хўжалиги комплексининг бир қисми сифатида эканлигини эътиборга олиб, халқ депутатлари маҳаллий Шўролари билан келишилган ҳолда ижтимоий ҳаракатномаларни маблағ билан таъминлашнинг манбаи ҳисобланади, ёшлар жамоат ташкилотлари ва корхоналарининг харажатлари давлат ва маҳаллий бюджетдаги солиқлар ҳажми бўйича тўловнинг бир қисми сифатида ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлигини эътиборга олишга;

— ВЛКСМ корхоналарини моддий-техник таъминотининг давлат системасига қўшишни назарда тутишга мурожаат этади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси пленуми ВЛКСМдан СССР халқ депутатларига ана шу таклифларни СССР Олий Кенгашига ва СССР Олий Шўросига киритишни топширади.

Пленум ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг молиявий-иқтисодий комиссиясига:

— ёшларнинг хўжалик ташаббускорлигини ривожлантириш юзасидан таклифлар мажмуасини маромига етказиб ва СССР Вазирлар Кенгашига киритишни;

— комсомолнинг хўжалик фаолиятини мувофиқлаштириш, қонуний ва норматив актларни ишлаб чиқиш, давлат директив органлари билан ҳамжиҳатлик қилиш учун ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аппарати тузилмасида иқтисодий бошқармани ташкил этишни;

— ёшлар корхоналарининг мазкур тоифадаги корхоналарнинг турли хил шакллари мулкчилиги шаклларига нисбатан имкониятларини ҳисобга олган ҳолда классификация қилиш системасини ишлаб чиқиш ва уни СССР Вазирлар Кенгаши тасдиғига тақдим этишни;

— ёшлар институти базасида ва жумҳуриятлар ҳамда зонал комсомол мактабларида комсомол ходимлари ва комсомол корхоналари раҳбарларининг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш учун ишбилармонлар мактабларини очишни;

— ёшлар корхоналарини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш учун ВЛКСМ корхоналарини ташкил этиш ва ишлаши тартиби тўғрисида норматив ҳужжатларнинг мажмуасини ишлаб чиқиш ва «Социалистик корхона тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан кейин уларни бир ой мобайнида тасдиқлашни;

— ёшлар корхоналари ходимларининг касаба союзини ташкил этиш юзасидан таъсис конференциясини ўтказишни топширади.

«КОМСОМОЛНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси жамиятда матбуот эркин эмас экан, фуқаро ҳам эркин бўлмаслигидан келиб чиқади. Шунинг учун биз СССР Олий Шўросининг учинчи сессиясида матбуот тўғрисидаги Қонунни инсон ҳуқуқлари Декларацияси ва бошқа халқаро шартномаларнинг қоидаларига мос тушадиган демократик нормаларни назарда тутган таҳририда қандай бўлса, шунисини қабул қилиниши тарафдори бўлиб чиқмоқдамиз.

СССР халқ депутатлари III Съезди томонидан СССР Конституциясига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиш туфайли сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, кўп фирқалилик реалликка айланиб бораётир. Комсомол бошқа ёшлар нашрларининг ташкил этилишини, комсомол қўмиталарининг давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари билан манфаатлари, маслак ва вазифаларининг умумийлиги асосида ҳам ноширликни ривожлантиришини, РСФСРнинг бир қатор вилоятларида комсомол ташкилотлари ва журналистлар уларнинг босма органлари билан бир қаторда ёшлар учун ижтимоий-сиёсий музофот рўзномалари чоп этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси комсомол матбуоти Ассоциациясини ташкил этиш имкониятини ўрганиб чиқсин.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг редакциялар ва комсомол ташкилотларининг ҳамжиҳатлигини демократиялаш заруратига ишончи комил.

Комсомол ташкилотларининг ва улар босма органларининг ҳамжиҳатлиги нашриётлар фаолиятини тасдиқлайдиган таъсис этувчи ҳаракатномаларга ва босма органларнинг мақомини ҳамда таҳрир ҳайъатини шакллантириш тартибларини белгилаб берувчи редакция низомларига асосланиши зарур. Муҳаррирни тасдиқлаш, сайлаш ёки тайинлаш пайтида таъсис этувчи ҳуқуқи редакция низоми томонидан белгилаб қўйилган тартибда редакция жамоаси фикрлари билан мувофиқ бўлиши зарур.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси нашриётлар томонидан ўз муаммоларининг бир қисмини ёшлар нашрлари ҳисобидан ҳал этишга интилишлари туфайли жиддий ташвиш билдиради ва ёшлар редакцияларини моддий-техник таъминлашда, журналистларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда «қолдиқ принципи»ни тугатишни талаб этади. Комсомол ташкилотлари таъсис этувчилар сифатида ва уларнинг босма органлари ўз муносабатларини нашриётлар билан амалда бўлган иқтисодий нормативлар ва молиявий нормалар, ноширлик фаолиятидан олинадиган фойдани узоқ муддатли шартнома асосида тақсимлаш доирасидаги уч томонлама шартномалар асосига қурадилар.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси редакцион жамоаларнинг хўжалик мустақиллиги тарафдори эканлигини билдиради. Комсомолнинг босма органлари редакцияларига ҳуқуқий шахс ҳуқуқини бериб қўйиш, шунингдек, барча комсомол нашрларига СССРнинг барча ҳудудларида ва хорижда нашрнинг ўрни ҳамда мақомидан қатъи назар тарқатишни таъминлаш ҳуқуқи ҳамда имконияти берилиши зарур.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси «Молодая гвардия» ноширлик матбаа бирлашмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, ноширлик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалларини очиш, комсомол қўмиталарининг нашриётлари янги матбаа қувватларини қуриш тарафдори бўлиб чиқади. Шу муносабат билан КПСС Марказий Қўмитасига ВЛКСМ мустақил ноширлик фаолиятини мустаҳкамлаш юзасидан ВЛКСМ Марказий Қўмитаси билан биргаликда комиссия тузишни таклиф қилиш мумкин.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси давлатники бўлмаган кабелли ва йўлдош ойнаи жаҳон марказларини бирлаштирган жамоат телекомпаниялари ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди, ёшларга эшиттиришларнинг, шу жумладан, миллий тилларда эшиттиришнинг сифати ва ҳажмини яхшилаш зарур деб ҳисоблайди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси комсомол оммавий ахборот воситаларига ўз ишида иттифоқдош жумҳуриятлар ва мухтор тузилмалар ёшларининг ўзига хослиги ва манфаатларини, турли ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг, армия, комсомоли турмушини эътиборга олишни, жамиятнинг барча амалий сиёсий кучларини жипслаштириш ғоясини фаол ўтказиш, комсомол турмуши муаммоларини чамалаб кўрилган ва амалий акс эттиришни тавсия этади. Съезд ҳозирги шароитда комсомол матбуотининг энг муҳим вазифалари — мамлакатда жамоат иноқлигига эришиш деб ҳисоблайди.

Ёшлар оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ бўлган муаммолар айниқса муҳим ва мураккаб эканлигини эътиборга олиб, ВЛКСМ Марказий қўмитаси яқин орадаги пленумларидан бирида «Комсомолнинг оммавий ахборот воситалари ва ноширлик фаолияти тўғрисида»ги масалани кўриб чиқсин.

Бепул йўлланмалар билан

«Ширмонбулоқ» Бутуниттифоқ саёҳат базаси эндиликда байналмилал жангчилар ихтиёрига бериб қўйилди. Асосан вилоят қишлоқларида яшайдиган 264 нафар собиқ «афғончи» ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаб олиши учун бу ерга бепул йўлланмалар билан қабул қилинди.

Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси, вилоят комсомол қўмитаси, байналмилал жангчилар вилоят кенгаши ва «Андижантурист» саёҳат-экскурсия ишлаб чиқариш бирлашмаси бу хайрли ишнинг ташкилотчилари бўлишди. Улар байналмилал жангчиларнинг яхши дам олишлари учун шароит яратиб беришди, ҳар бири 88 сўм турадиган йўлланмалар ҳақининг ҳаммасини тўлашди.

Собиқ жангчилар даволанишдан ташқари «Шайтон дара», «Сув ғор», «Ширмонбулоқ чашмалари» каби хушманзара жойлар бўйлаб қизиқарли сафарларга чиқишади, шунингдек, автобусларда Фарғона, Наманган, Шоҳимардон, Советобод, қўшни Қирғизистон шаҳарларига саёҳатларга боришади.

Ўн кундан кейин дам олувчиларнинг биринчи сменаси ўрнига яна 260 нафар «афғончи» келади.

(ЎзТАГ мухбири).
Андижон вилояти.



Муқаддас Бекчонова СССР 50 йиллиги номли Хива тикувчилик фабрикасида меҳнат қилади. Корхонада Муқаддас сингари 1500 нафар ишчи хизматчи фаолият кўрсатади. Фабрикада 8 та комсомол-ёшлар бригадаси мавжуд бўлиб, улар ўзаро меҳнат беллашуви асосида ишлайди. Бу ерда чиқаётган «Ёш тикувчи» деворий рўзномасида корхона ёшларининг меҳнатдаги ва жамоат ишларидаги иштироки кенг ёритиб борилади.

Муқаддас ойлик топшириқларини ортиғи билан уддалашдан ташқари мазкур деворий рўзноманинг фаол аъзоларидан биридир.

СУРАТДА: чевар тикувчи Муқаддас Бекчонова.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

ЙИГИРМА МИЛЛИОН НОЛА

Давлатнинг қадр-қиммати охир-оқибат уни ташкил қилган шахслар қадр-қимматига боғлиқ.

Жон СТЮАРТ.

САЙЛОВОЛДИ учрашувларида калимани «Мен сизларга боғча, мактаб, шифохона қуриб бермайман, йўлни асфальт қилишни ҳам ўз гарданимга ололмайман, қурилиш материаллари тақчиллигини йўқотаман деб ишонтиролмайман...» сингари сўзлардан бошлардим. Радио ва ойнаи жаҳон орқали чиқишларимда, рўзномалардаги мақолаларимда ҳам депутат қурувчи эмаслигини бот-бот такрорлаганман. Бироқ, сайловдан кейинги дастлабки ойда 516 та ариза, шикоят олдим. Уларнинг 401 тасида нимадир олиб беришим, қуришим ҳақида сўз боради. Орадан кўп ўтмай расман ўтказган қабулимга 93 киши келди. Яна кимгадир шифер, кимгадир тахта, кимгадир машина... Ҳатто бир аёл тиззаларига урганча уввос солиб йиғлаганда унинг дарди 200 дона шифер эканлигини хаёлимга ҳам келтирган эмас эдим. Аммо уларнинг ташвишлари, таъбир жоиз бўлса, дардларидан кўз юмиш мумкинми? Йўқ, албатта. Хўш, унда нима қилиш керак?

Савдодаги адолатсизлик, тақсимотдаги бирёқламалик, ҳар қадамда пешонага тўқиллаб уриладиган ноҳақликни бартараф этиш ёлғиз депутатнинг қўлидан келадими? Мактабларга борганда чакиллаб томчи томиб турган хоналарда бошларини эгиб ўтирган болакайларни кўрганда депутатнинг дили эзилмайдими? Йўл азоблари, ичимлик суви етишмаслиги, газлаштириш муаммолари уни ўртамайдими? Ҳамма-ҳаммаси унга уйқу бермайди.

Мен бу ўринда кўпроқ вилоят ва ноҳия депутатлари хусусида фикр юритаяпман. Чунки қабулимга келаётган одамларнинг нолаларини эшитиши, ҳал этиши зарур бўлган кишиларнинг аксарияти кўкрагига депутатлик нишонини таққан. Менинг мавзеимдаги ноҳия фирқа қўмитасининг деярли барча раҳбарлари — депутат. Ижроқўм, ноҳия ташкилотларини, тебратиб турганлар ҳам. Аммо халқ сарсон-саргардон. Эллик дона шифер учун Ўзбекистон ССР халқ депутатининг қабулидан кетмай ўтираверади. Чунки унинг охирги умиди шу ердан. Бунгача бош суқмаган жойи қолмади.

Назарингизда мен ўзим-ўзимга қарши чиқаётганга ўхшайман. Аввал депутатни оқладим, кейин эса... Ҳамма гап шундаки, сайловларда одамлар асосан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар билан қизиқишди. Вилоят, ноҳия депутатлигига номзодларни ҳатто кўп жойда билмай ҳам қолишди. Бу эса манфаатдор «аппарат»га қўл келди. Умумий гапларни йиғиштир, деб фармойиш қилишингиз мумкин. Далилларга ўтаман.

Самарқанд вилоят фирқа қўмитаси пленумида вилоят Шўроси депутатлигига бир кишидан номзод қўйилсин деб келишиб олинди (Баъзи жойларда бу ақида бузилди). Аммо Жомбойда икки киши кўрсатилганда, йиғилишни бекор қилиб бўлса ҳам бир номзоддан қолдирилди. Ноҳия фирқа қўмитасининг биринчи котиби, ҳозирда ноҳия Шўроси раиси Амин Сатторов сайлов арафасида меҳнат таътилини олиб дам олишга жўнаб кетди. Унинг ортидан Улуғбек номли давлат хўжалиги директори Самад Сатторов ҳам. Бироқ ҳар иккаласи бугун вилоят Шўроси депутати. Вилоят раҳбарлари ҳам вилоят Шўросига депутатдирлар. Мен ўз номимга келган айрим аризаларни уларга, яъни тегишли бўлгани ва вилоят Шўроси депутати сифатида менинг кўмакдошим бўлганлари учун уларга жўнатдим. Бу ҳақда рўзнома орқали сайловчиларга ахборот бердим ҳам. Таассуфки, аризалар ўрага тушиб кетди. Гулдур-гуп, пилдир-писс! Худди, Абдулла Қодирий айтганларининг ўзгинаси.

Баъзилари писанд этишмагандур, айримларининг жавоб учун бўйинлари тоб бермагандур? Лекин халқнинг кўзи йўлда, умиди сўнган эмас. Бунинг устига қандай муаммо чиқмасин, «Бор депутатга» дейдиган раҳбарлар кўпайди. Жомбой ноҳия фирқа қўмитасининг иккинчи котиби, ноҳия Шўроси депутати Валерий Стерехов ана шундайлар тоифасидан чиқиб қолди.

Бугунга қадар уларнинг муштлари гурзи бўлиб халқ бошидаги кўзани синдирмоқда. Улар энди халқни депутатларга қарши қўйиш билан ўзларини оқлаб олмоқчи ёки сақлаб қолмоқчи бўлаётирлар. Минг таассуфки, бизнинг замонда шунга эришадилар ҳам. Халқ эса ҳамон юрагидаги аламини, дардини айтолмаяпти. Чунки уни шиферсизлик, тахтасизлик кўчаларига солиб қўйдик. Энди унинг учун Стереховга ўхшаганлар билан олишгандан кўра, томини ёпиб олиш ташвиши устунроқдир.

Ҳа, қийин кунларга қолдик. Бутун умидларимизни сайловлар билан боғлагандик. Гоҳида тўғри қилдик, гоҳида хато, лекин депутатларни сайладик. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари биринчи съезди жуда кўп орзуларимизни оқламади. Баъзан гапимизни оғзимиздан юлқиб олишди, баъзан гап бермаслик чораларини топишди. Бироқ ҳаммасини халқ кўрди, билди, хулосасини чиқариб олди. Аммо шундан кейин «ютуқ» шу бўлдики, шўроларга муносабат эски аҳволича қолди, депутатни менсимаслик, унинг мурожаатлари, сўровларига йўлигагина силлиқ жавоб бериш «услуби» ўзгармади.

Идорама-идора юравериб, тинкаси қуриганлардан беш нафарининг шикоятини Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Т. Тўхташев (олдинги бошлиқни танқид қилавериб, бўшатдигу, тағин кунимизга маймунлар йиғлайдиганга ўхшайди)га «Илтимос, шахсий муносабатингизни билдирсангиз» деган талаб билан жўнатдим. Вазир ўрток В. М. Камоловга депутатлик сўрови киритаман деб «дўқ-пўписа» қилиб ёзилган кейинги хатдан сўнг бирин-кетин жавобларни ола бошладим. Энг қизиғи ва даҳшатлиси шундаки, ариза хатларига илгари қандай жавоб ёзиб келинган бўлса, худди ўшанинг нусхаси менга «равона» қилинганди. Муносабат ана шундай бўлгач, ҳаётимизда бирор нарса ўзгарадими? Ахир, иш бошлаганига 2—3 ой бўлмаган бошлиқ халқ дардига бефарқ бўлса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?!

Ёки шу идора билан боғлиқ бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Вақтида жавоб беришмаганидан кейин «дўқ-пўписа»га ўтдик дедим. Бунинг «таъсири» дарров сезилди. Жомбой йўлида ДАИ ходимлари учун «махсус» ишратхонага ўхшаш жой бўларди. Нима бўлди, нима қўйди-ю, улар бир кечада бу «масканни» ташлаб кетишди. Жомбой умумий овқатланиш идораси шу жойда ошхона очмоқчи бўлди. Икки қаватли айлана бино ва боғ «Узмежавтотранс» бирлашмасининг Самарқанддаги комбинати ҳисобида турар ва ДАИ етти йилдан бери ҳақ тўламасдан фойдаланар экан. Қиймати 83 минг сўмлик бинони овқатланиш идораси ижарага олди. Меҳнат жамоаларининг расмий равишда ҳужжатлари имзоланди. Таъмирлаш бошланди. Ошхонага «Наврўз» деб ном қўйишди. Эртага очилиш маросими деганда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Н. Сатторов, ДАИ бошлиғи О. Муҳиддинов ва бошқа «расмий» кишилар ташриф буюриб, ҳаммани қувиб чиқаришди. Жомбойликлар камина қабулига келиб нажот сўрадилар. Мен ўз навбатида бошлиқ Т. Тўхтаевга хат ёздим. Орадан уч кун ўтмай жавоб қўлимда эди. Эмишким, йўллар кесишган жойда ошхона бўлиши мумкин эмас, шу боис бу ерга ДАИ жойлаштириларкан. Ана сизга мантиқ. Етти йил тўраларча фойдаланилгани учун ким жавоб беради? Меҳнат жамоалари шартномасини бекор қилиш зўравонлик эмасми? Қолаверса, таъмирлаш учун кам деганда 10-15 минг сўм ҳаражат қилинди. Буни ким қоплайди? Автокомбинатга 83 минг сўмни ким беради? Яна кишини ўйлантирадиган томони шундаки, вилоят Шўроси, вилоят фирқа қўмитаси ДАИ томонида. Акс ҳолда жомбойликларнинг бу хусусдаги аризалари қайси бир ғаладонларда қолиб кетмас эди.

Бундай муносабат ҳамма жойда бирдай. Олий Шўро Президиумидан тортиб айрим вазирларгача ана шу «мағрурлик» қаноти остида юришибди. Тошкентда енгил саноат вазири билан ҳамсуҳбат бўлдик:

— Жомбойда трикотаж фабрикаси филиали бор. Қизлар 10-15 километр йўл босиб қатнашади. Кундузи иложи топилади-ку, аммо кечаси қийналишаяпти. Битта автобус беришнинг иложи йўқми?

— Бу хусусда Вазирлар кенгаши раисига, яъни Мирсаидовга мурожаат қилинг. Бизда автобус йўқ.

Бу гапни жуда самимий қилиб айтдилар. Жавоб тополмадим. Иккинчи масалага кўчдим.

— Жомбой ноҳиясидаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалигининг 1-бригадасида икки қаватли янги қурилган бино бор. Одамлар шу жойда филиал очилса, ишсизлар сони анча камаярди, дейишмоқда.

— Ҳа, бу депутатнинг иши. Аввал ижроқўмга боринг, фармойиш чиқаринг, кейин корхонага. Ундан кейин жиҳозлар учун Вазирлар Кенгашига кирганингизда бир оғиз каттаконларга айтсангиз... Сизга осон, кириб-чиқиб юрибсиз.


Хуллас, «муносабатимиз» шунга бориб тақалдики, улар Самарқандга борганда менга хабар берадиган бўлдилар ва биргаликда ўша жойни бориб кўришга келишдик. Кўп ўтмай, эшитиб қолдим: вазир келиб-кетибдилар... Бу воқеани батафсил келтиришимнинг боиси бор. Ҳурматли А. Икромовни СССР халқ депутатлигига худди ана шу жойнинг одамлари сайлашган. Минг афсуски, у киши депутат назари билан эмас, балки вазир муносабати орқали қараяптилар. Шу боис ҳам ғишт қолипдан кўчмади.

Баъзан Шўролар тан олинмасада, унинг имтиёзларидан турли йўллар билан бўлса-да, фойдаланишади. Тошкент аэропортининг депутатлари хонаси депутатларга ҳам, депутат бўлмаганларга ҳам қулай «учиш» жойи бўлиб қолган.

Ўзбекистон ССР Олий Шўроси доимий комиссияларидан бирига раис ўринбосари этиб депутат, жумҳуриятда хизмат кўрсатган иқтисодчи Эркин Ҳожиев сайланган.

— Доимий ишга келдим. Иш жойи йўқ. Бунга чидаш мумкин. Барибир ҳал бўлади. Фақат меҳмонхонадан жой беришларини сўраб кун бўйи вақтим ўтди. Қарасам бошқалар ҳам сарсон-саргардон. Ҳамон Шўроларни оёқ учи билан кўрсатишаяпти. Бу аҳволда халқнинг орзуларини рўёбга чиқара оламизми?

Бу энди энг юқоридаги муносабат. Мен эса гапни қуйидан бошлагандим. Шу боис мақолани яна ноҳиядаги муаммолар билан тугатмоқчиман. Қабулимга ёрдам сўраб келганлардан бирининг аризасини Жомбой шаҳар ижроия қўмитаси раиси Г. Тоштемировага юборгандим. Унинг жавоби халқ сайлаб қўйган Шўронинг жавобига асло ўхшамайди. Афсус...




Бугун қайси идорага кирманг, ҳамма ариза устида бош қотиради. Мамлакат аризалар, шикоятлар денгизига айланган. Ўзбекистон ССР Олий Шўросининг янги сайланган, доимий комиссияларини ҳам ариза, шикоятлар билан «ўққа» тутишди. Яна эски тос, эски ҳаммом. Оқим айланаверади, айланаверади... Натижа эса йўқ. Шу сабабдан ҳам ҳаммаёқ дардга айланиб кетди.

— Биласизми, бу шикоятларга қараб, ўйланиб қолдим, — дедилар Олий Шўро ошкоралик комиссияси раиси, ардоқли шоиримиз Эркин ака Воҳидов. — Автобусда арз билан кутиб туришади. Ишга келсам... Демак, жумҳуриятимиз нолалар водийсига айланиб кетибди-да. Беихтиёр 20 миллион нола учун ким жавоб беради, деб ҳайқиргинг келади...

ЙИГИРМА МИЛЛИОН НОЛА... Даҳшатли хулоса шуки, бу нолалар жумҳурият ичида айланиб ётибди. На бошини топиш мумкин, на охирини. Бироқ чорасини топиш керак...

Жаҳонгир МУҲАММАД,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, Жумҳуриятда хизмат кўрсатган журналист.



Эртамиз қандай бўлади? Эсономон умр кўрамизми? Негадир бу саволлар устида кўп тўхталяпмиз. Олим-у фозилларнинг ўйида ҳам шу. Ростданам аҳволимиз чатоқми? Боз устига она табиатнинг ҳоли янада ташвишли. Наҳотки, бошимиз устида айланаётган қора қузғун ажал элчиси бўлса?

Ана шу жумбоқларга ечим топиш ниятида таниқли тиббиётчи олим, «Новый мир» жаридаси таъсис этган «Орол—88» халқаро экспедициясининг аъзоси, Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хўжалик ҳисобидаги «Шарқ» халқ табобати жумҳурият поликлиникасининг бош врачи Мадиёр САЛОЕВ билан суҳбатлашдик.



— Қаёққа қараманг, кўнгилсизлик. Пўстлоғи шилинган ниҳол, ярадор ит, ўзани саҳрога айланган дарё қуршовидамиз. Ҳозирда яна бир оқим пайдо бўлди. Аҳолини ишга жойлаштириш баҳонасида соҳил ёқаси, сўлим масканларда бизга ёт заводлар қурилиш. Бу ҳақда гап кўп у воҳа, баъзида бошқа ердан эшитилмоқда. Ҳатто айрим «халқпарварлар» дарё устида цемент заводи қурилса ҳам атрофга зиён йўқ, деган даъвони қилишаяпти.

— Юракнинг ўрнига тош битган бўлса, ундан оғрин йўқ. Бедаво у. Афсуски, раҳбарларимиз ичида уни далдар кўп. Бу ҳақда узун-узун ўйлаганимданми, эсласам бошим оғрийди. Табиатга зиён келтириш нима оқибатларга сабаб бўлиши кўпчиликка аён. Айтадиганларимнинг ҳаммаси алғов-далғов бўлган табиат туфайли юз берган. Унинг асорати оғир бўлади. Хоҳ инсон ёки она замин танида бўлсин, барибир. Бохабармиз. Йилдан-йилга касаллик тури ортиб бораяпти. Айримларининг номи ҳали ҳам номаълум. Беморнинг тузалиши оғир кечмоқда. Хасталар сони ҳаддан ошгандан касалхоналарда жой йўқ.

Икки йил бурун фақатгина жумҳуриятимизда 286 мингга яқин киши юқумли сариқ касаллиги билан оғриди. Бу кўрсаткич 1986 йилдагидан 47 мингта зиёддир. Ичбуруғ билан касалланганлар 1987 йилда 18 мингдан ортиқ бўлса, ўткир ичак хасталигига 142 минг киши чалинган. Иқтисодчилар кўзи билан қараганда, кўп касалланишдан катта зиён кўрилаяпти.

— Қандай қилиб!

— Юқумли сариқ касаллигига дучор бўлган ҳар беморнинг соғайишига давлатимиз 1400 сўм сарф этади. Йилига сариқни юқтирганларга 40 миллион сўм кетиши фикримнинг далили. Яна бир оғир томони бор бунинг. Касаллик асорати. У туфайли Ўзбекистонда икки йил бурун 42 минг киши ҳар хил гуруҳ ногиронига айланиб қолди. Боз устига шунча киши йилига мажруҳ бўлаётир. Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятларда ҳам аҳвол шу.

— Сўнгги пайтларда мурғак гўдакларнинг ёруғ дунёдан бемаврид кўз юмаётганлари ҳақидаги қайғули гаплар бот-бот эшитилиб туради. Энг даҳшатлиси, бунга кўникиб бораётирмиз. Устига-устак юзлаб аёлларимиз оналик бахтидан бенасиб қолаётирлар.

— Аёлларни гулга қиёслайман. Ростдан ҳам улар орасида ўхшашлик бор. Боғдаги анвойи гуллар кўнглингизни қандай чоғ этса, жамиятда бекалар ҳам шундай. Хотин-қизларсиз юрт, Ватан қашшоқдир.

Хабарингиз бор. «Орол—88» экспедицияси таркибида кўпгина жойларни айланиб чиқдик. Ҳаммасидан ҳам Қорақалпоғистонда ана шу ГУЛЛАРНИ сўниқ кўрдим. «Советский союз» жаридасининг ходими Валерий Гордеев билан Хўжайли ноҳиясидаги туғруқхоналардан бирига кирдик. Палатада олти нафар ой-куни яқин аёл бор эди. Ҳаммаси ёшлар. Сўраб билгач, даҳшатдан қалтираб кетдик. Уларнинг қарийб ҳаммаси биттадан болани тупроққа қўйибди. Балоғат ёшидаги онанинг юзида кексалик аломати. Ажин босган. Ёноқлари ҳар хил доғлардан хунуклашиб қолган. Синчиклаб текширдик. Барчасининг тиши емирилган. Ёшидан анча улуғ кўринади.

— Хаста аёллар-у, ногирон гўдакларнинг аниқ ҳисоб-китоби бордир.

— Ҳисоб-китобларга кўра Иттифоқимиздаги ўртача ҳар минг онадан 70 нафари камқонликдан (анемия) азият чекади. Бизда эса шунча фарзанд кўражак беканинг икки юз қирқ беш нафари оғриса, Қорақалпоғистонда 900 она камқонли. Ҳаммага аён. Бемор онадан хаста фарзанд туғилади.

Кишини ларзага келтирадиган далиллардан тилинг лол қолади. Қандай замонда яшаяпмиз ўзи? Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий текшириш институти олимларининг таҳлиллари чоғида пахтага боғлиқ корхоналарда ишлайдиган оналарнинг кўкрак сутларидан пестицид топилди. Сутнинг ёғлилик, оқсил миқдори паст. Тасаввур қилинг, онани эмган бола типирчилаб жон беришини!

— Болалар ўлими капиталистик мамлакатларга кўра бизда уч-тўрт баробар кўп, деган гаплар бор.

— Шундай. АҚШ ва Японияда бир ёшгача бўлган, минг нафар соғлом туғилган боладан бир-иккитаси нобуд бўлади холос. Бизда-чи? Иттифоқда, 24, Ўзбекистонда 46, Қорақалпоғистонда 72 нафар. Орол яқинидаги Бўзатов ноҳиясида аҳвол янада чатоқ. Ҳар минг боладан 118 нафари ҳаётдан кўз юмади. Туркманистондаги оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институтида гўдаклар саломатлиги устида ўтказилган кузатувлар натижасини айтмоқчиман. Тажриба Ашхобод ноҳиясидаги сердаромад пахтачилик жамоа хўжалигида ўтказилган. Хўжаликда жами 368 бола бор эди. Ўшанинг атиги уч нафари соғлом чиқибди! Қолгани турли хасталиклардан азоб чекади.

— Ёшлар ўртасида содир бўлаётган жиноятчилик тобора ошиб бормоқда. Бу «шўхлик»ни инсон танидаги тиббий етишмовчилик билан боғласа бўладими!

— Ҳар ҳолда яқинлик бор. Матбуотнинг ёзишича, йигит-қизлар ўртасида жиноятчилик соат сайин ўсяпти. «Экстремистлар» ундоқ қилибди, мундоқ бўлган, дейишлар оммавийлашмоқда. Тушунишимча бу тажовузлар жаҳолат меваси. Жаҳолат-чи? У ақли заифлик. Инсон ўзини идора этолмай қолади. Ҳаммаси ижтимоий, иқтисодий қашшоқлик туфайли пайдо бўлмаяптимикан? Маълумда, тўқ киши зўравонлик қилади. Қолаверса, руҳий исканжа киши эркини занжирбанд этади. Одам ваҳшийлашади. Мия бошқаруви сусаяди. Шундай ҳолатда киши изми ҳайвонийлик домига тортилишини тиббиёт рад этмайди.

Далиллар келтираман. Ўзбекистонимизда ақли заифлар йилига 4,5 минг кишига ортади. Икки йил бурун улар саксон икки минг кишини ташкил этарди. Шифокорларга учрашганлари, рўйхатдагиларнинг ҳисоби бу. Чеккада — тиббиётга муҳтож қишлоқларда яна қанчаси бор. Уларга алоҳида мактаб, ўқитувчи, доктор керакмас-ми? Ўйлайвериб эсинг оғади. Жиноятчилар орасида ана шу касалмандлар ҳам бор-да.

— Йигирманчи асрда Ўзбекистондан учувчи чиқмайди, дейишаяпти. Исталган одамда бир касаллик борлиги янада кўринганич эшитилади. Биз ҳам ўзимизнинг фазогиримиз бўлишини истаймиз...

— Кошкийди. Космонавтсиз яшаса бўлар... «Новый мир» журналининг 5-сонида бир далил қайд этилган. Унда ёзилишича, ҳарбий комиссариатнинг чақирув хонасидаги подполковник, полковниклар маҳаллий, бўлажак аскарлар ҳақида бир қолипдаги гапни айтишади. «Ҳаммаси қурилиш батальонига боради». Ҳеч нарса деёлмайсан. Ёшлар бошқа тилларни ёмон билишади. Фикрлаш даражаси паст. Жисмонан бўш. Бўлажак аскар ҳаётида пахта далаларидан бошқа нимани ҳам кўрган?! Қорақалпоғистондаги ҳар беш, айрим ноҳияларда ҳар тўртинчи чақирилувчи ҳарбий хизматга нолойиқ. Бирининг бўйи пакана, бошқасининг жуссаси енгил.

Қайтариқ бўлса-да тўхталишга мажбурман. Бизнинг саломатлигимиз табиат софлиги, қулай меҳнат шароити, сифатли таом истеъмол қилиш, зилол сувдан қонишимиз ва бошқа факторларга боғлиқ. Ҳаммамиз яхши биламиз. Пахтакор меҳнати оғирлигини. Бечоралар кун бўйи жазирамада куйишади. Кенг дала. Соялайдиган, бир пас нафас ростлайдиган ер йўқ. Боз устига ҳосилдорлик ўссин учун пайкаллар турли кимё моддаларига қорилган. Ундан на юриб, на туриб қутиласан. Устига устак истеъмол қиладиган сувимиз ҳам кимё. Кошки эди унинг таркибида микроб вируслар бўлмаса!

— Суҳбат мавзуи шу томон бурилган экан, фикрингизни билсак. Ҳозирги сувларимиз ростдан ҳам умр манбаими!

— Қорақалпоғистонлик дўстларим мени кечирсинлар. Уларнинг юртини кўп марта тилга олдим. Ҳаммаси биродарларимни азбаройи суйганим, оғам деганимдан. Улар жуда ночор турмуш кечиришяпти. Аҳолининг тўққиз фоизигина водопровод сувидан баҳраманд. Канализациялаш атиги тўрт фоиз. Шу туфайли 96 фоиз аҳоли чиқинди сувини қайтадан ичишга мажбур. Ҳаёт манбаи бир жойдан сингса, нарироқдан сизаверади-да. Харьков шаҳридаги сувни муҳофаза қилиш ҳамда Ўрта Осиё гидрометеролог хизмати институтларининг далилларига биноан, ҳозирда Ўрта Осиёда макон йўқки, бирор ҳовуч тоза суви бўлсин. Ҳамма ўзан, булоқ, ҳовуз, қудуқ ифлос. Қишлоқ хўжалигига ишлатилган заҳарли дорилардан, ҳайвонлар чиқиндиси, саноат ташландиқларидан сув заҳар-заққумга айланган. Помирдаги «Абромов» музликларидан пестицид топилса! Бу ёғини тушунаверинг. Сувимиз ҳаёт манбаими, ёки...

— Шунча ёзиб-чизиш, нола-фиғон бўлгани билан аҳволимиз баттар танглашаётибди. Табиат хуружи, Орол тақдиди бутун атрофга ёйилди.

— Чанқоқ Орол ён-веридан йилига 75 миллион тонна туз қуюни кўчади. Сўнг у шўр ёмғир бўлиб бошимизга ёғади. Охирги ўн йил ичида Тошкентда сочилаётган туз миқдори бежизга икки ҳисса ортмаган. Бундай ҳол ҳатто Белоруссия, Ригада кузатилган. Тузнинг таркиби хил-ма-хил. У йод, сульфат, хлорид, нитрат, карбонат, аммоний, калий, кальций, магнийли. Ҳаммасига бизда Ўрта Осиёнинг бошқа жумҳуриятларига кўра 40 йил давомида катта ҳажмдаги химикатларнинг қўлланилгани сабаб. Ўша ДДТ, ГХЦ, бутефослар энди ҳавога совурилаяпти.

Хоразм, Қорақалпоғистондаги ҳамкасбларим билан суҳбатларнинг шоҳидлигича кўра ўпка, бак касалликлари кўпчилик кўз юммоқда. Буйрагида тош йиғилганлар сони тўсатдан кўпайди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмай қолиш учрайди. Энди ҳаёт қайғуга солади кишини. Ҳеч маҳал бир ойлик гўдакни жарроҳ столида кўрганмисиз? У томонларда бу янгилик эмас. Тил ожиз айтишга. Нега энди бирбиримизга оқадиган сувни заҳарлаймиз? Норасида гўдаклар умрига зомин бўламиз. Аёллар оналик бахтидан бенасиб. Ҳеч замонда бундай бўлмаган.

— Имкони бўлса мана бу хат муаллифи илтимосини қондирсак. Т. Алимов ёзади. «Айрим матбуот органларидан ўқиб қоламан. Ўтган йили кимё далаларимизга кам чиқарилган эмиш. Шу ростми! Умуман, дори, минерал ўғитларсиз яшаб бўлмайдими!»

— Ҳаётда кимё керак. Унинг кўмагига ҳар қадамда эҳтиёж бор. У керагидан ортса-чи? Бир кило пахта олиш учун 1,3 килограммга яқин кимё ишлатишга мажбурмиз. Ер шунга кўниккан. Ўғитдан эса кам фойдаланганимизча йўқ. Икки йил бурун жумҳуриятимиз ерларига 100 минг тонна пестицид ва гербецид сепилган. Ўтган йилда эса бу кўрсаткич 110 минг тонна ҳажмида бўлди. Инсонни минг бор дардга чалинтирувчи балога кетадиган сарф-харажат 84-94 миллион сўм. Озлик қилгандек. Юқори кўрсаткичли пестицид, гербицидга қўшимча ҳар гектар майдонга 323 килограммдан озуқа сифатида минерал ўғит солинган. Шу тариқа бизда икки йил бурун 800 миллион сўмлик минерал ўғитдан фойдаланилган. Уни пулга чаққанда гектарига 900 сўмдан тушади. 80 та омборларимизда узоқ йиллардан бери ўта заҳарли, таъқиқланган кимё сақланаётганлигини ҳам айтай. Яроқлиси, фойдаланиш муддати ўтмагани 19 минг тонна. Унинг баҳоси 23 миллион сўм! Қулай имкониятни «пойлаб ётган» бутефоснинг баҳоси эса олти миллион сўмга яқин.

Бу далилларни бежиз келтирмадим. Биз фалокат ёқасидамиз. Биламизки, ёмғир ҳамма ер қатори омборхона томи, қаровсиз заҳар устида ҳам ёғади. Шу тариқа кимё тошқинга қўшилади. У ёғи эса аён. Худо кўрсатмасин бордан йўқ бўлган ўша омбор зилзила ёки сув тошқинига гирифтор бўлса борми? Бошланади қиёмат. Бутун Ўрта Осиёни заҳри қотил домига тортади.

Шундоқ ҳам тиббий аҳволимиз танг бўлиб турганда, даҳшат-да бу. Узгидромет хизматининг далилларига кўра Амунинг Термиз атрофидаги оқимида ДДТ миқдордан 3,5, ГХЦГ — 4,6, ГХИТ — 3,2 баробар зиёд. Зарафшон дарёси ўзанида ҳам гексахлор, хрома кўрсаткичи ортиқ. Халқ бежизга сув туфайли хасталанаётгани йўқ. Чирчиқ, Сирдарёнинг бошида ҳам шу кўргулик.

— Илгари ширадор, таъми зўрлигидан Хоразм қовунларининг номи мағрибдан-машриққа кетган. Ҳатто Мирзо Бобур гурвакни дори-дармон ўрнида истеъмол қиларканлар...

— Тўғриси, бу ҳақда афсусла гапираман. Гурвакни эшитдимми, дилим хуфтон тортади. Энди у қовунлар мозийга айланди. На таъми, на жозибаси йўқ. Ҳозир еб кўринг, зум ўтмай, қорнингизни чангаллайсиз. Заҳарнинг қатида шарбат битармиди?

— Яна бир гап. Ҳосилнинг мўл, мазали бўлишида чувалчангларниям кўмаги беқиёс. Аммо тупроқларимизда улар ҳаддан зиёд камаймоқда экан.

— Бежиз айтилмайди, бутун мавжудот бир-бирини тўлдириб боради, деб. Ёмғир чувалчанги йилда бир неча тонна тупроқни ўз «элагидан» ўтказади. Ўша «ғалвирланган» ер кўпчиб, ҳосилдорлиги ортади. Афсуски, ана шу «дастёр»лар бизнинг заминда камайиб қолаётгани рост. Далилларга қараганда ҳар гектар еримиздан атиги 1-2 та чувалчангни топиш мумкин. АҚШда эса бу кўрсаткич юқори. Ҳар квадрат метрга 100 тадан чувалчанг тўғри келади. Ўз-ўзидан маълумки, қайта «туғилган» ерда ҳосил мўл бўлади-да. Гербицид, пестицид ўғит эмас, бало. Ҳамма тирик жоннинг хундори.

Табиатга қилинган ҳуружларнинг оқибатини бошқа касбдагилардан кўра тиббиёт аҳли кенгроқ тушунади. Аслида шундоқ бўлиши ҳам керак. Бу табиий ҳол. Ҳозир ҳамкасбларимнинг қайси бири билан суҳбатлашмай, ваҳимага ботиб гапиради. Ҳақиқатдаям осойишта айтиш имкони бўлмайдиган воқеалар кўп-да. Охирги пайтларда ёшларимиз ўртасида бола кўрмаслик, жинсий сусайиш ҳоллари ҳаддан ошганлигини бепарво айтиб бўладими? Аёлида жинсий активлик йўқола борса, йигитининг пушти ўлик. Чидаб бўладими, бунга?!

Менимча, гербецид инсон оиласи — унинг зурриёдига қирон келтираётган азроил. Бу муаммолар тезкор илмий хулосаларга муҳтож. Айниқса, бизнинг минтақада.

— Туғилишнинг камаяётганига буларнинг таъсири катта-да.

— Бўлмасам-чи. Демограф В. И. Переведенцованинг таъкидлашича, Ўрта Осиёда туғилиш кескин озаймоқда. 30-35 ёшгача бўлган ўзбек аёлининг ҳар мингги 70-йилларда 248 нафар фарзанд кўрган бўлса, 80-йилларнинг ўртасида йилига 183 бола туғилган. Ўша йилларда 35-40 ёшли аёлларда 202 ва 102 нафар бола туғилган. Қарабсизки, кўрсаткич қарийб икки бараварга қисқарган. Сўнгги ўн беш йил ичида Ўзбекистонда туғилиш 20 фоизга камайди.

Редакцияга келган хатдан сатрлар.

«Мен тутқунликка йўлиқдим. Ҳаётдан умидсизман. Ҳеч кимса, ҳатто душманимга раво кўрмайман уни. Кўргулик экан! Наҳот пешонам шўр бўлса? Тил бормасада, очиғини айтмасам бўлмас. Ёшимга ярашмаган одат топиб олдим. Жинсий қолоқман. Бунга бўйимнинг паканалиги сабабчидир. Балки... Кўп югурдим, елдим. Барибир фойда йўқ. Аввалгидекман. Аёлимдан юзим шувут. Илтимосим, менга кўмак беринглар. Жар ёқасидаман.

Умид билан: О. РАМИЛОВ,

Бухоро вилояти, Пешку ноҳиясидаги Афшона посёлкаси».

— Касалхоналаримиздаги шарт-шароитлар ҳақидаги фикрингизни эшитсак.

— Жумҳуриятимиздаги тиббий марказларнинг аҳволи қониқарсиз. Биздаги ҳар бешинчи шифохона иссиқ сув билан таъминланган. Ўнтадан еттитасидагина канализация бор. Айтаверсак, камчиликлар кўп. Саксон етти минг болалар ва акушерлик каровати етишмайди. Ҳатто болалар врачи ҳам оз. Қолаверса, Ўзбекистонимиздаги ҳар бир врач 2,9 нафар тиббий ҳамшира билан ишлашига тўғри келади. Бу кўрсаткич Иттифоқда 3,4, АҚШда 8, Швецияда ҳар бир врач 12 нафар ўрта маълумотли шифокор билан ишлашига тўғри келади. Малакали шифокорларимиз кўп ҳолларда ҳамширанинг ишини қилишга мажбур. Хўш, унда врачнинг ишини ким қилади? Жабр яна халққа тушади. Халққа.

— Мадиёр ака! Минг бир муаммо устида тўхталдингиз. Бугунги алғов-далғовли кунда жамиятимиз айбни айтишдан ҳам кўра кўпроқ амалий таклифларга муштоқ. Сизнингча ана шу муаммоларни даф этиш йўллари борми!

— Ҳал бўлмас иш йўқ. Фақат йўлини топиш керак. Мен ўзимча ўйлаб қўйганман. Такрор бўлсада, айтай. Ана шу йўқолишларимизнинг бошида пахта туради. Ҳатто ўтган йили режани ортиғи билан адо этган бўлсак ҳам. Тан олиш керакким, пахта тайёрлаш режасини 3,5—4 миллион тонна атрофида камаймаса аҳволимиз яхшиланмайди. Яна илгаригидек зўрма-зўракилик, ерни кимёга тўйдириш, сув сарфи давом қилаверади. Бўшаган ерларни эса полиз, мевали дарахтлар ҳисобига бойитсак, бедазорлар кенгайиб, чорва ривожланади. Ҳатто бошқа экин ҳисобига деҳқоннинг уч марта ҳосил олишига имкон ҳам яратилади. Ернинг таркиби соғломланишини ҳам айтмаса бўлмас.

Бизда оила давлат муҳофазасида. Ана шу бағри кенглик қоғоздан амалга кўчирилса. Болалар ва аёлларимизни оғир меҳнатдан озод этсак. Онага фарзанд тарбиясидан қутлуғ иш борми?

Халқимиз, совет оиласи ҳуқуқий ҳимояга жуда муҳтож. Бунинг учун ҳар бир оила адвокат ва милиция ходими билан шартнома тузсин. Ахир оилавий қонуншунос бўлишига нима етсин. Киши қонуний кўмакка эҳтиёж сезганда ўшанга суянса ёмонми?

Ҳаммасидан оби-ҳаёт муаммоси илгарироқ ечим топиши зарур. Тоза сувга Хоразм, Қорақалпоқ, Тошовуз халқи жуда чанқоқ.

Ғайритабиий туюлса-да, бепул тиббий ёрдам ўзини оқламади. Юқоридан режалаштиришлар малакали шифокор етишувига ғов солди. Шу боисдан «бепул хизматдан» тезда воз кечиш тарафдориман.

У қандай бўлиши лозим? Ҳар бир ташкилот, корхона, хўжалик ўз хизматчиларининг саломатлигини асраши шарт. Шу тариқа ҳар бир ишловчининг соғломлигини муҳофаза қилишни муассаса зиммасига олиб дори-дармон харажатини тўласин. Ўшандагина раҳбар ўз ходимининг омонлигини асрашга кўпроқ эътибор жалб этади. Агар шифокор ишончни оқламаса-чи? У ҳолда бошқасига мурожаат этилади. Қарабсизки, чаласавод шифокор ўз устида ишлаш, изланишга мажбур. Йўқса ишсиз қолади.

Тиббий муолажага зориқмасликнинг яна бир йўли бор. Оиласининг саломатлигини асраш учун ҳар бир инсонга шифокор билан битим тузиш ҳуқуқи берилса. Ойлик хизмат ҳақи эса врачга нақд тўланаверади. Оила бошлиғи ишлайдиган ташкилот ўз хизматчисининг оиласини асраш йўлида барча сарфни кўтарсин. Ўшандагина тиббий ходим жавобгарликни чуқурроқ ҳис этади.

Айни вақтда эса жумҳурият аҳлининг саломатлигини асраш ниятида программа ишлаб чиқиш фойдалидир. Ва уни қисқа муддатда тадбиқ этиш жоиз. Токим бунинг сарф-харажати давлат бюджетидан ажратилсин. Ахир бизнинг Орол бўйидаги аҳволимиз Чернобиль фожиасидан беш баттар оғир.

— Кимё ва унинг зиёни ҳақида узоқ гаплашдик. Хулоса эса аён. Кимёни кам қўллаш лозим. Аммо, бизда усиз кун кўрилмайди. Ҳатто, тиббиётда ҳам. Чунки, хасталикда фақат дори ичамиз. Табиий ҳол бу. Аслида у ҳам кимё-ку...

— Афсуски шундоқ. Бир гал марказий телевидениенинг «Вақт» кўрсатувида бу ҳақда фикр юритилди ҳам. Мутахассисларнинг таъкидлашича тоза дори билан таъминланган Европада 20 фоиз киши дoридан касалланади. Асоратларини айтишдан юрак безиллайди. Энг тозасининг аҳволи шу бўлганидан сўнг у ёғини тушунаверинг. Қолаверса, биз ҳам истеъмол қилишда ортда қолаётганимиз йўқ.

— Мана, сиз халқ табобати билан шуғулланасиз. Тиббий институтларда кўплаб тажрибалар ўтказгансиз. Москвада икки йил, хорижда уч йил ишладингиз. Дунё кезиб, табобат тараққиётининг шоҳидисиз. Қисқаси ривожланган фармацевтика даври бўла туриб, халқ табобатига эҳтиёж борми!

— Бир дақиқа эски тарихга назар ташласак. Инсон ер юзида пайдо бўлибдики, ўзини даволаш йўлини излайди. Ибтидоий даврда ёки кейин ҳам. Даврнинг ривожланишига қадар фармацевтика бормиди? Лекин ўша чоғдаям хасталикдан фориғ бўлиш усуллари қўлланилган. Доривор гиёҳлар, билағонлик ва ҳакозо. Демакки, халқ табобати одамзод билан бирга туғилган. Бирга яшайди. Ўтмиш алломаларининг тажрибасидан ўтган, ҳақиқати бор йўл эди бу.

Маълумки, бутун тирик мавжудот ўзидан нур тарқатади. Буни биз электромагнит тўлқинлар, деб тушунамиз. ВАСХНИЛ академиги Л. Пришепнинг эътироф этишича, 120 ватт кучга эга бўлган радио станция тарқатаётган тўлқинлар ер шарини бир неча марта айланишга етаркан.

«Зимняя физика» лабораториясининг ходими Годик Эдуарднинг айтишича эса ҳар бир одам бугунда 120 ватт энергия тарқатади. Балки кўпдир? Демоқчи бўлганим, ана шу тирик жонзодлар тарқатаётган электромагнит нурлар биологик объект ҳақида маълумотларга бой. Далил келтирай. Туғма талантли, худо берган кишилар бизда озми? Уларнинг сири шундаки, боя айтганимиздек биридан чиққан нурни бошқаси қабул қилиш хислатига эга. Бу ҳодисани табиат, кундалик ҳаётда минг карра кузатамиз. Асаларилар очилган гулларни, ўз уясини адашмай топиши, фикримнинг исботи. Адаштирилган мушукларнинг ўз маконига қайтишиям бежиз эмас. Искаб топар итларда ҳам шу хусусият бор.

Чинқироқ илон узоқдан қараб каламуш, қуён, тошқунчоқ каби ўз ўлжасини карахт қиларкан. Ва емак ўз оёғи билан оғзига кириб кетаверади.

Инсонлардаям шундай қобилият бор. У ҳам сеҳрлай олади. Нега энди буни рад этишимиз керак?! У фойда-ку. Кеч бўлсада ҳақиқат йўли очилди. Аслида халқ табобати бугунги муолажанинг пойдевори. Минг карра рад этилса-да, бор гап.

— Ҳозиргача халқ табобати бошсиз. Уни тартибга келтирилса, жўяли тажрибаларини оммалаштириш, тиббиётда қўллаш осон кечармиди!

— Бўлмасамчи. Шу боисдан жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида Халқ табобати маркази очилди. Муолажа дори дармонсиз олиб борилади. Унга умуман эҳтиёж йўқ. Натижа эса яхши. 5—10 йилдан буён азоб чекаётганлар дарддан фориғ бўлишаяпти.

— Сиз етакчилик қилаётган ўша марказда қайси касалликларни дорисиз даволаш мумкин!

— Қон босимининг ошиши, ҳар хил невроз ва невростениялар, юрак санчиши, бош, бел оғриғи. Астеохондроздан оғриганлар шифо топади. Ёш ўтганига боғлиқ хасталик — кўзнинг хиралашиши, қулоқнинг эшитиш қобилияти сусайишини ҳам бартараф этамиз. Ошқозон, ичак касалликлари, жинсий ожизлик, простат, аллергик ҳолатларнинг ҳар хил кўринишлариниям даволаяпмиз.

Аллергик ринит ва бурундан қон кетиши, бош айланишларининг функционал босқичида дорисиз даволаниш мумкин. Ва биз шундай қилаяпмиз. Шундоқ ҳам кимёга қоришган инсон тани ором оладида бундан.

— Сизларда даволаниш тартиби қандоқ! Устама-ширкат баҳосидами, ё...

— Муолажа давлат баҳосида қилинади. Нарх ҳам давлат томонидан белгиланган. Ортиқча, устама, деган гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Даволаш тармоқларини кенгайтириш ҳақида ўйлаётганимизни ҳам айтай. Излаяпмиз талантлиларни. Худо хоҳласа ниятларимиз улуғ. Дорисиз шифо табиатнинг бераҳмларча топталган бугунида ҳаводек зарур-да.

— Мадиёр ака, агар малол келмаса сизларнинг кўмакларингизга муҳтожлар учун ўз манзилларингизни ҳам айтсангиз.

— Бажонидил. Беморларни Юнусобод даҳасининг Мари кўчаси, 2-уйида қабул қиламиз.

— Раҳмат, Сизга!

Қурбон ЭШМАТ суҳбатлашди.

Хорижадан хабарлар

Хо Ши Мин ва навқирон авлод

ХАНОЙ. (ТАСС мухбири Д. Марфинский). «Хо Ши Мин ва навқирон авлод» — Вьетнам пойтахтида бўлган илмий анжуманнинг мавзуси шундай эди. У Хо Ши Мин Коммунистик Ёшлар Уюшмаси Марказий Қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди ва Хо Ши Мин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан 19 май куни нишонланадиган санага бағишланди.

Хо Ши Мин ёшларга ғамхўрлик қилишга ҳар доим жуда катта аҳамият берар, унинг ижодий куч-ғайрати ва ташаббусини юқори баҳолар, худди шу навқирон авлод барча янгиликларни ва илғор фикрларни тезроқ қабул қилиб олишига ишонарди, деб таъкидлашди нотиқлар.

Ҳозирги ёшлар ватан озодлиги ва мустақиллигини қўлларида қурол билан ҳимоя қилган ўша йигит ва қизларга кўп жиҳатдан ўхшамайдилар. Бугунги кунда жамиятнинг ривожланиши билан уларда янги эҳтиёжлар пайдо бўлди, уларнинг руҳий олами ўзгарди. Худди шунинг учун ҳам ёшлар билан ишлашда уларни катта авлод инқилобий анъаналари ҳамда Вьетнамда ҳозир авж олаётган янгиланиш сиёсати руҳида тарбиялашни мустаҳкам уйғунлаштириш, ёшлар Хо Ши Мин васиятларини ёдда тутган ҳолда, социалистик қурилишда ва ватанни ҳимоя қилишда фаол қатнашишларига интилиш зарур.

Жаҳонда реал социализм танглигини бошидан кечираётган, Вьетнамда кўпдан-кўп ижтимоий-иқтисодий мушкулликлар мавжуд бўлган шароитда ёшлар билан мафкуравий ишларни кучайтириш зарур, деб таъкидлашди анжуман қатнашчилари. Маърузаларнинг кўпида ҳозирги ёшлар социализм идеалларини йўқотиб қўйди, инқилобий кураш жамиятни ўзгартириши мумкин эмас, деб ҳисоблаётганларга зарба берилди.



Михаил Булгаковнинг «Итюрак» асари ёзувчи Деллос Браун сценарийси асосида Нью-Йоркдаги «Си Эс Си» театри режиссёри Роберт Ланкастер томонидан саҳналаштирилди. Пьесада Билл Раймонд, Энтони Фуско, Джейс Александер, Левайн-Томпсон сингари таниқли актёрлар қатнашган.

СУРАТДА: спектаклдан бир лавҳа.

ТАСС сурати.

Ранг-баранг олам

ЎҚ-ЁЙЛИ РАШКЧИ

◎ БУЮК БРИТАНИЯ Ички ишлар вазирлиги парламент комиссиясига спорт ўқ-ёйларини ишлаб чиқармаслик ва сотмаслик ҳақидаги қонун лойиҳасини тақдим этди.

Нима учун бундай бўлди? Чунки ўқ-ёйлар жиноятчиларнинг қуроли бўлиб қолди. Товуш чиқармай отиладиган бу қуроллар орқали бир қатор жиноятлар амалга оширилганлиги маълум. Ўтган йили Лондонда ўз рақибини ёй билан ўлдирган 20 ёшли Жейн Солвестон деган аёл устидан суд бўлди.

Судда, деб ҳикоя қилади «Паралели» (Болгария) жаридаси, бу қурол бекорга танланмаганлиги аён бўлган. Бунинг сабаби, кейинги пайтларда оптик мўлжалга олувчи ўқ-ёйлардан фойдаланган «жангарилар» ҳақида кўплаб телевизион фильмлар намойиш қилинаётганлигидир.

КИТНИ ФАРЗАНДЛИККА ОЛСАНГИЗ...

◎ ТИНЧ ОКЕАНИДА ТАДҚИҚОТ олиб бораётган амирқолик ва канадалик биологлар хоҳловчиларга маълум маблағ ҳисобига китни фарзандликка олиб беришни таклиф қилмоқдалар.

Албатта, боқиб олган ота-она китни уйига олиб кетолмайди, лекин уларга мунтазам суръатда танлаб олган жониворларининг расми ва соғлиги ҳақидаги маълумотлар юбориб турилади. Ҳозирги пайтгача мингдан ортиқ одам кит ва дельфинларни фарзандликка олишган. Жониворларнинг танасига махсус датчиклар ўрнатилган бўлиб, ота-оналар у орқали «фарзандларини» қаерда сузиб юрганлигини билиб туришади, деб ёзади «Тигодник демократични» (Польша) ҳафталикномаси.

ОДАМ ВА ХАЧИР — КАСКАДЕР

◎ АВСТРАЛИЯ АЛЬПЛАРИДА Уольтер Митчел исмли фермер ажойиб сакрашни амалга оширди. У ўзининг севимли Нукси лақабли хачирининг устига миниб олиб юзлаб томошабинлар кўз олдида чуқурлиги 24 метр бўлган дарага сакраган.

Дара тагига «қўниш» тўла муваффақиятли ўтган. Митчел мухбирларга бу сакрашга узоқ вақт тайёргарлик кўрганини ва садоқатли Нуксини бунга ўргатганини айтган. Бу ерда жасоратдан ташқари ғоят аниқ ҳисобга олиш ҳам лозим бўлган. Довюрак фермер хоҳловчиларга бу трюкни қайтаришни таклиф қилган. Лекин ҳаммага ҳам омад кулиб боқмаслиги мумкин, деб хабар берган ГФРнинг «Цайт» рўзномаси.

Ранг-баранг олам

Хорижадан хабарлар





Қаҳрамонлар ўлмайди

Ўктамбойни Ҳазораспда кўпчилик билмасди. Зобитлигини ҳам, Афғонда кўрсатган жасоратини ҳам...

Жуманиёз аканинг ўзи ҳам уруш кўрган одам, Камтарин, содда. Ҳар кимгаям дардини «ёравермайди». Ҳаётининг бор азоб-уқубатларини, ташвишларини бошидан кечирган. Дастлаб ўғлининг ҳарбий билим юртига ўқишга боришига (1969 йил эди ўшанда) иккиланди. Шу боис ўғлига аввал ҳеч нарса демади. Охири унинг ҳам ўзига ўхшаган дангаллиги, тўғрисўзлиги учун оқ фотиҳа берди. Ўктамбой Тошкентдаги олий командирлар тайёрлаш ҳарбий билим юртининг Олмаотадаги филиалини 1973 йилда муваффақиятли тамомлаб, 1981 йилнинг декабригача ҳарбий қисмларда сипоҳгик қилди. 1981 йилнинг 23 декабрида эса...

Бу кун унинг умр йўлдоши хотирасида бир умр муҳрланиб қолди.

— Яшириб нима қиламан, у кишн ўзининг Афғонга кетаётганини айтиб маъюсланиб қолгани ҳалиям кўз олдимдан кетмайди, — ҳикоя қилади Екатерина Арсентьевна. — Шу кеча болаларни эркалаб, ўпиб тўймади. Ортида нималар қолиб кетаётганидан хавотирда эди. У билан вокзалда хайрлашдик.

Ўктам Жуманиёзовни Афғонга боргач, батальон командирлигига тайинлашди. У вақтлар бизникилар зўр бериб «душман»ларни зир-зир титратаётган йиллар эди.

Барибир у ёндаги «қалтис ўйинлар» бизлардан сир тутиб келинди. Лекин яширган «касал»имизнинг бугунга келиб исмини ошкор бўлиб қолди.

1982 йилнинг 5 марти... Худди шу куни зобитлар тушган пиёдалар машинаси олдинда кетаётганди.

Кутилмаганда тўсатдан душманлар томонидан отилган снаряд машинага келиб тегди, Кучли портлаш... Енгил жасадлар... Улар орасида хоразмлик ёш зобит Ўктамбой Жуманиёзов ҳам бор эди.

Шум хабар Ҳазораспдаги Пичоқчи қишлоқ шўросига қарашли Жувондир маҳалласига етиб келганида аввалига ҳеч ким ишонмади. «Наҳотки, йўғе, балки у ўлмагандир?» деган шубҳа-гумонлар ҳам йўқ эмасди. Таассуфки, Ўктамбой қурбон бўлди...

Яқинда Хоразм вилояти байналмилал жангчилар кенгаши ташаббуси билан, ажойиб, қўрқмас зобит Ўктамбой Жуманиёзов номи ўзи туғилиб ўсган маҳаллада қурилган янги мактабга берилиб, мактаб олдига унинг бюсти ўрнатилди. Бюстни Урганч шаҳар бадиий буюмлар безак бериш устахонаси директори, ажойиб ҳайкалтарош Шавкат Усмонов яратди.

Ёдгорлик очилган куни Ҳазорасп узоқ-яқиндан, Ўктамбойни билганлар, ноҳия аҳли йиғилди. Унинг қариндош-уруғлари, умр йўлдоши, фарзандлари, бирга ўқиган синфдош дўстлари у ҳақда ўз хотираларини гапириб бердилар.

Ўктамбой Жуманиёзов ҳам эл танийдиган, ҳурмат қиладиган инсонлардан бири эди. Лекин мақсадсиз уруш қирчиллама, навқирон бир йигитнинг умрига зомин бўлди. Халқ эса ўз фарзандларини ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг умри абадиятга, мангуликка айланганидир...

* * *

Суратларда: Ўктам Жуманиёзов хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

Жумабой ҚОЗОҚОВ суратлари.





Дардкашлар қолмадими?

«Афғонистон мавзусини журналистлар роса чайнашдией. Ёзадиган бошқа мавзу қолмадими?» деб айтувчиларни тириклар қаторига қўшмайман. Бу мангу мавзу бўлиб қолади.

Шаҳид кетганларнинг, ой бориб омон қайтмаган ўғлонларнинг руҳи қалбларимизни тинч қўймаслиги керак. Оҳ, бу аламлар, бу ситамлар... Уларни унутиб бўларканми?

Бир мақоламда ёзган эдим: «Дардингизни олайин-а, онажонлар, отажонлар...» деб.

Устимдан кулгувчилар топилди:

— Дардини олганингда уларнинг боласи тирилиб келармиди, — деб.

Нима қилиш керак? Аламдийдалардан бир оғиз сўзимизни ҳам дариғ тутсак — яшашдан мақсадимиз нимадир, нима?

Афғонда кўзи очиқ кетганлар учун биз тириклар нима қилиб бердик, беролдик? Ҳатто уларнинг номларини абадийлаштириш учун тўсиқлар бўлаяпти.

Анча кундан бери ёнимда бир мактуб олиб юрибман. Бу мактуб ўт бўлиб дилгинамни ёндиради, Кўзимни юмиб, мактуб эгасининг хонадонини тасаввур қила оламан. Бир соатда етиб бориш ҳам мумкин. Лекин, бир неча кундирки, бора олмаяпман. Ахир икки йил аввал ўша хонадонга борганман. Хонадон эгаларига қўшилиб, афғонда ўлган йигитга аза тутиб йиғлаганман. Кўзда ёш, дилда алам билан мақола ҳам ёзганман. Улар эса, ҳали-ҳануз акасининг (мактубни Афғонистонда қурбон бўлган Комилжон Қирқбоевнинг синглиси ёзган) номини ўзи ўқиган мактабга беришмаганидан изтиробда. (Яқинда эшитдим, ниҳоят унинг номи ўз мактабига берилибди). Қанийди бундай мактублар бир нечтагина бўлса? Ахир редакцияга худди шундай мазмундаги мактублар бир кунда нечталаб келади.

Ўзи нималар бўлаяпти? Улар — мактуб эгалари бизлардан ёрдам сўраб ёзишади. Рўзномамиз эса жойлардаги ташкилотларга мурожаат қилишади. Нима учун бу иш билан шуғулланиши шарт бўлган муассасалардаги масъул кишилар юқоридан буйруқ беришини кутиб ўтиришади?

Яқинда Нуротага боргандим. Ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котиби Эркин Жўрақулов бу иш билан комсомолдагилар шуғулланиб, бир мактабга шаҳид кетган йигитнинг номини қийинчилик билан қўйишганини гапирди.

Лекин, нима учун бу иш билан фақат комсомолдагилар шуғулланиши лозим? Бошқалар шуғулланса арзимайдиган ишми? Ё мана шу иш билан шуғулланишгани учун уларнинг «обрў»лари тўкилиб қоладими?

Аслида, редакцияга келаётган барча норозиликларнинг келиб чиқишига ана шу лоқайд ҳолат сабаб бўлмоқда.

Бевақт орамиздан кетганларга ёдгорлик ўрнатаётганлар, номларини абадийлаштиришга уринаётганлар ҳам комсомол қўмитасидагилар. Улар мана шу ишларни бажариш учун қанча-қанча жойларга бош суқишлари керак бўлади. Уларга ўз вақтида кўмак берилмайди.

Ургутга борганимда менга бир қизчани таништиришди.

— Маҳмуджон Назаровнинг синглиси. Акаси ҳақида шеърлар ёзган.

Маҳмуджон ҳам ўша бизга мангу мавзу бўладиган шаҳидларнинг бири эди. Ўша куни ноҳия «Октябрь алангаси» рўзномасининг бир сони қўлимга тушди. Унда ургутлик тўққиз нафар йигитнинг суратлари эълон қилинган эди. Саҳифада Маҳмуджоннинг синглиси Муқаддаснинг «Сиз ўлмайсиз» номли мақоласини ўқидим-у, акалар вафоти сингиллар учун қанчалик қайғу эканлигини янада чуқуррок ҳис қилдим.

«Баҳодирлар ўлмайди. Улар ўзини билган ҳар бир қалбда яшайди. Улар билан бирга ғам-алам ҳам яшайди. Бу ғам-алам ва қонли фарёдлар волидалар қаддини букди, кўз нуридан ажратиб, сочларини бир кечада оққа бўяди. Боғбон каби ниҳол экиб, мевасини кўрмаган эшик тиқ этса «болам келди» деб тўлғонган, азиз нонни тишлатиб қолиб, насибасини ўзи келиб ейишига ишонган, йил ўтиб темир тобут қучоқлаган оналар қандай яшайди энди?»

Бу Муқаддаснинг сўзлари. Мен ҳеч нарса қўшмадим. Волидасининг қон йиғлаб айтган сўзларини эшитгандай бўлдим:

Маҳмуджоним хуб йигит,
Мўйлаби барги шивит.
Ўзгинам излаб топган
Қадди тик лочин йигит.
Эй афғон, йўлинг йироқ,
Йўлингда бордир тузоқ.
Афғонга кетган болам,
Бунчалар қилдинг муштоқ.

Бу сатрларни ҳаёлимдан ўтказар эканман, кўз олдимга шаҳид бўлган бир боланинг аза куни келди. Мен тасодифан бориб қолгандим ўша ерга. Қиёмат-қойим деганлари бундан-да, ортиқ бўлмас.

Темир тобут кўчада қўлдан қўлга ўтади. Ногоҳон тобут олдида кетаётган йигитга кўзим тушди. У қўлини чеккасига тираб, аскардек шахдам қадам ташлаб кетарди. У йиғларди. Қиёфаси аянчли тусда эди. Мен бу телбанамо йигитни танирдим. Қўлида ўйинчоқ автомат билан мени ҳам бир неча бор олдимдан чиқиб чўчитган эди.


Воажаб, шаҳид кетган йигит дарди бу телбанамо йигитга ҳам ақл бахш этганди. Бевақт, сўнгсиз дардни у ҳам ҳис қилиб тобут олдида борарди.

Кейин ҳам у болани кўрдим. 3 — 4 кундан кейин яқин оғайнилари ҳам ўз юмушлари билан ўлик чиққан хонадонни тарк этганларида у бола жабрдийда падари-бузрукворнинг ёнида ерга чўккалаб ўтириб, унинг оёқларини сийпалаётганини кўрдим... Титроқ бармоқлар эса бу телбанамо йигитнинг ўсиқ сочларини паришон сийпаларди. Икки дардкаш бир-бирини суяб туришарди. Бу манзарани, ҳолатни унутиб бўладими?

Яқинда бир қиздан мактуб келди. Тўрт йил аввал «шу қиздан бошқага уйлантирсаларинг ундоқ қиламан, бундоқ қиламан» деб онт-қасамлар билан нон ушаттирган йигит қизнинг жавобини берибди. «Кимга тегсанг тегавер» дебди.

Ахир яшашни истаган, чимилдиқ кўрмай кетган йигитлар руҳи ҳурмати йигит номини оқланг-да. Оналар оҳ чекади «болам бир қиз сочини силамади» деб. Бу — тирик, номард йигитлар шаҳидларнинг руҳини ҳам қайғуга ботирмайдими?

Гули ЧЕҲРА,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Саволлар беринг!

Ғаройиб ҳодисалар учрайдими?

Ҳурматли редакция. Бизда ҳам «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган «рекордлар-га» ўхшаган ғаройиб ҳодисалар ҳам учраб турадими? Учраса шулар ҳақида маълумот берсангиз.

М. АМИНЖОНОВ,
Тошкент вилояти.

Ҳа, бундай ғаройиб воқеа-ҳодисалар, қизиқ нарсалар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиботлар бизда ҳам учрайди.

Кавказдаги болалар интернат-уйида уч кўзли қизча яшамоқда. Унинг учинчи кўзи пешонасида бўлиб, дастлабки маълумотларда қайд этилишича, учинчи кўз ҳам худди одатдагиларига ўхшаб яхши кўрар эмиш.

Қозоғистондан олинган ҳужжатли аниқ маълумотга қараганда, бир қизча ўн беш ёшга тўлгунча онасининг сутини эмган экан.

Москвалик Кирилл Максимов деган ўн яшар ўқувчи отаси раҳбарлигида жисмоний тарбия билан шуғулланиб, елкасида ҳозир 204 килограмм юк кўтара олади.

Самарқандда яшовчи Муқим бобо Ҳакимов 1883 йилда туғилганлар. Оғзиларида бирорта ҳам тишлари йўқ. Отахон 100 ёшга тўлганларида тўртта тиш қайтадан чиққан!

Муқим бобо ҳозир ҳам уйдаги майда-чуйда ишларни бажаравeрадилар. Кўз ойнаксиз ўқийдилар.

Дунёдаги энг баланд бўлган мўрини Экибастуз шаҳридаги I-ГРЭС учун «Спецжелезобетонстрой» мутахассислари қуришган. Баландлиги 420 метр бўлган бу мўри Канададаги ана шундай мўрининг баландлиги жиҳатидан ортда қолдиргани учун «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олган.

Цензура қачон пайдо бўлган?

Матбуот ҳақидаги қонун лойиҳасида цензура ҳақида алоҳида гаплар айтилган. Баъзилар уни бекор қилиш ҳақида фикр билдирмоқдалар. Цензура ўзи қачон пайдо бўлган?

М. ҚОДИРОВ,
Наманган вилояти.

Бунинг тарихи анча узоқ даврларга бориб тақалади. У дунёда биринчи бўлиб Искандар Зулқарнайн томонидан амалга оширилган. У ўз аскарлари билан Эроннинг жазирама чўлларида юрганида ўрнатган сиёсатидан одамларнинг рози ёки норозилигини билиш мақсадида сипоҳи ва оддий аскарларга уйларига биттадан хат ёзишларига руҳсат берган. Хатларни Юнонистонга махсус кишилар олиб боришади, деб ваъда берган. Ҳамма бундан хурсанд бўлган (бунгача уйга хат ёзишга ҳеч қачон руҳсат берилмаган) ва ўз ичидагиларни хотинларига, оналарига ёзишган. Лекин махсус хат ташувчилар 20—30 чақирим йўл босишлари билан уларни саркарданинг одамлари кутиб олишган. Улар хатларнинг ҳаммасини очиб ўқишган. Хатда кимда-ким ўз тақдиридан ва Искандардан норозилигини баён қилган бўлса, уларнинг номи ёзиб олинган ва орадан бир неча кун ўтмасданоқ қатл қилинган.

«Генералиссимус» унвони ҳақида

«Генералиссимус» унвони ҳақида маълумот берсангизлар. Унга кимлар сазовор бўлган? Бу унвон қачон таъсис этилган?

О. ИБРОҲИМОВ,
Андижон вилояти.

Генералиссимус — бир қанча мамлакатларнинг қуролли кучларидаги олий ҳарбий унвондир. Уруш вақтларида бир неча армияга, кўпинча иттифоқчи армияларга қўмондонлик қилган саркардага бу унвон берилган. Баъзан бу унвон ҳукмрон авлодларга мансуб оилалардан бўлган кишиларга ва давлат арбобларига ҳам фахрий равишда берилган.

Франция қироли Карл IX 1569 йилда ўзининг 18 ёшли укасига генералиссимус унвонини берган. Кейинчалик у қирол Генрих III деб юритилган.

Бундан ташқари, қуйидагилар генералиссимус унвонига эга бўлишган: Францияда — герцог Г. де Гиз (1550—1588), шаҳзода Л. Конде (1621—1688), герцог Л. Виллор (1653—1734), герцог А. Ришелье (1696—1788); Австрияда князь Р. Монтекукколи (1609—1680), граф Л. Даун (1705—1766), эрцгерцог Карл (1771—1847), князь К. Шварценберг (1771—1820); Германияда — граф А. Валленштейн (1583—1634), Россияда биринчи генералиссимус А. С. Шеин (1662—1700) бўлган. Унвон унга Петр I томонидан Азов денгизи яқинидаги муваффақиятли жанги учун 1696 йилда берилган.

Бу унвон Россияда 1716 йилда Ҳарбий устав бўйича расман жорий этилган. Шундан кейин 1727 йил 12 майда князь А. Д. Меншиковга (1673—1729), 1740 йил ноябрида шаҳзода Антон Ульрих Брауншвейгскийга (1714—1774), 1779 йил 28 октябрида буюк рус лашкарбошиси А. В. Суворовга (1729—1800) генералиссимус олий унвони берилган.

СССРда Совет Иттифоқи Олий Шўроси Президиумининг 1945 йил 28 июнида чиққан Фармони билан генералиссимус унвони таъсис этилган ва И. В. Сталинга (1945 йил 27 июнь) генералиссимус унвони берилган.

АНА ЎЙИН-У, МАНА ЎЙИН!

Очиғи, футболчилар билан сафарга чиқишнинг ўзига яраша гашти бор экан. Нега десангиз, улар ҳам бор маҳоратини фақат «яшил майдонлар-да» эмас, балки катта-кичик давраларда ҳам намойиш қилишади. «Пахтакор» Олмаотага — «Қайрат» билан учрашувга кетаётган куни мен ҳам уларга ҳамроҳ бўлдим. Тошкент тайёрагоҳига команда ўйинчилари бирин-кетин йиғилиб кела бошлашди. Ахбор ака, Эркин ака ҳамда жумҳурият Давлат спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Омон акалар билан «дард»лашиб ўтиргандик.

Шу пайт Азамат югуриб келиб отасини қучоқлаб, юзларидан ўпди-да гул тутқазди. Ҳайратланиб қараб турибмиз. Охири чидолмадик. «Нима гап ўзи? Ота-бола бунча шодмон кўринасизлар», деб сўрадик. Эркин ака «сир»ни очди. «Туғилган куним бугун»...

Олмаотадаги стадион кичкина бўлгани билан футбол майдони зўр экан. Мўъжазгина стадионнинг дид билан саранжом-саришта, озода қилиб қўйилганлигини кўриб эсимга «Пахтакор» стадионининг бугунги кундаги ночор аҳволи тушди, афсус...

Пахтакорчилар биринчи бўлимдаёқ ташаббусни ўз қўлларига олиб мезбонларни анча шошириб қўйишди. Кўп ўтмай Шквирин гол урганда ўрнимдан туриб бақириб юбордим. Атрофга қарасам ҳамма жим. Бирдан эсимга Олмаотадалигим тушиб кетди. Дарров ўтириб олдим. Ўйин тугагунча «эҳ, қанийди бу вақт ўлгур, тезроқ ўтсайди» деб ўтирибман. Ҳайрият... Ғалаба! Собиқ тренеримиз (ҳозирги пайтда «Қайрат»нинг бош тренери) Каминскийнинг ўзи келиб ўйинчиларимизни табриклади. Шквиринни кутиб турдим. Чунки Игорь тайёрада менга «ваъда» берувди-да: «Барибир голь ураман» деб. Уни маҳкам қучоқлаб, табрикладим...

Соат ШАРИПОВ.

«Қизиқчи—90» саралаш босқичи

Май ойи байрамлар ойи, ҳурсандчиликка бой ой. Бу ойдаги кўп байрамлар ортда қолди. Кулгисевар ҳалқимиз шу кунларда яна бир ажойиб байрамнинг шоҳиди бўлиб турибди. ЎзЛКЁИ МҚнинг «Ёшлар уйи», Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси, «Муштум» жаридаси ҳамда Ўзбекистон ССР Маданият жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган, мана икки йилдирки, анъанага айланиб қолаётган улкан хайрли иш — «Қизиқчи — 90» кўрик-конкурсининг биринчи саралаш босқичи бўлиб ўтди.

Конкурс ҳайъати номига шу кулги анжуманида қатнашиш истагини билдирган юздан ортиқ талабгор ёшларнинг хоҳишномалари келиб тушган эди. Шу ўринда бу кўрсаткич ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан анча, деярли икки ҳисса кўп эканлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Аслида биз бу хоҳишномаларнинг бундан ҳам кўпроқ бўлишини кутган эдик. Санъаткор халқимиз ичида истеъдодли ёшларимиз жуда ҳам кўп. Наилож, бу имкониятдан хабар топиб, кураш майдони машаққатини ҳис қилган ҳолда, бу жиддий курашга мардона бел боғлаб, кулдириш баҳсида иштирок этишни ихтиёр этган кулги чавандозларининг бир юз бешдан етмиш икки нафари кулги отчопарини бир айланишдаёқ йўрғаларини етаклаб, майдонни тарк этишди. Бунинг боиси, улар пойга маррасигача бўлган масофа олислигини тўла ҳис қилишмаган. Демоқчимизки, бу беллашувга келганларнинг баъзиларида мавзу маъқул, ижро суст, баъзиларида эса ижро устун, мавзу тор. Кўпларида аллақачон халқимизга ёд бўлиб кетган ҳажвия, ҳангомаларнинг яна такрор ижроси бўлди. Шу боисдан, юқоридаги етишмовчиликларга эга бўлган айрим иштирокчиларимизга бу йилги синовга рухсат қоғози тегмай қолди. Муносибларидан ўттиз уч нафари В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги саройида 17 майдан бошлаб тўрт кун давом этадиган иккинчи ва учинчи босқич учун саралаб олинди.

Демак, бу кулги байрамида иштирок этиш бахтига муяссар бўлган кулгисеварларни теша тегмаган янги ҳажвия, ҳангомалар, янги муқаллидлар, ҳазил-мутойибалар, ҳажвий қўшиқларни тинглаш, томоша қилиш насиб этади.

Халқимизга завқ бағишлаш, кулдиришдек машаққатли, масъулиятли, лекин шарафли ишга қўл урган шижоатли ёшларимизга омад, сиз кулгисевар дўстларга эса яхши кайфият, бир олам қувонч тилаб, кулги кошонасига таклиф этамиз.

Кулай десангиз, умрингизга умр, мустаҳкам соғлиқ, ишингизга унум қўшай десангиз келинг, кулишамиз!

Тўлан ҚЎЗИБОЕВ,
Жумҳурият «Қизиқчи — 90» кўрик-конкурсини ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон радиоси сатира ва юмор бўлимининг бошлиғи.

ТВ

19 МАЙ — ШАНБА
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум», Мусиқий кўрсатув.
10.00 «Қизил асаларилар», Бадиий фильм («Ленфильм»). 11.10 «Пойтуғ тўқимачилари», 2-кўрсатув. 11.40 А. Цагарели, Г. Канчелли. «Хонима-хоним». А. Н. Островский номидаги Тошкент Давлат театр ва рассомчилик санъати институти талабаларининг диплом спектакли. 13.45 «КПСС Устави лойиҳасини муҳокама қиламиз».

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Яшил орол сири». Мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Менинг жон пионерим». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Олам га саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Оқшом эртаклари». 21.15 «Барҳаёт наволар». Шерозий. 21.55 Реклама. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Барҳаёт наволар». Шерозий (давоми). 23.20 Ҳамид Олимжон. «Зайнаб ва Омон». Телевизион театр. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 «Савту налом». Шоир Ашур Сафар шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув. 10.05 Кинопрограмма. 11.00 «Калта енг». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 «Мутлақо сир эмас». 18.15 «Калта енг». Бадиий фильм. 19.30 «Новости». 19.50 Фильм-концерт. 20.10 «Эҳтиром». Душанбе шаҳридаги ўрта мактаб ўқитувчиси Раиса Бибарсова. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Хотира». Боқи Раҳимзода. 23.20 «Мулоқот». Телефильмкомедия.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.00 «Сиз яратган боғ». 8.30 «Инсон. Ер. Коинот». 9.30 Останкино концерт студиясида В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилоти мукофоти лауреатларининг концерти. 10.15 «Тақдир чизиғи. СССР халқ артисти Стефания Станюта». Фильм-қонцерт. 11.25 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 11.55 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Қўзғолончилик тарихи». Саккиз серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия — «Август кунлари», 6-серия — «Чақмоқ чаққанда» (Чехословакия). 14.10 «Спектр». 14.40 «Руҳий ҳаракат» (инсон психикаси резервлари). 15.25 «Фақат пўлат билангина эмас». Экология муаммолари ва хўжалик ҳисоби ҳақида (Волгоград). 15.45 «Ҳайвонот оламида». 16.45 «Сиёсий мулоқотлар». КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 18.15 «Ўнгача санашни биладиган эчкича ҳақида». Мультфильм. 18.25 «Халқаро панорама». 19.10 «Ер — она масканимиз» фотоконкурси. 19.15 «Степан Сергеевич.» Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»). Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар Телевизион хизмати. 21.00 «Степан Сергеевич». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 22.05 «Бахтли тасодиф». Оилавий телевикторина. 23.15 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 23.30 Оммавий мусиқа янгиликлари. «А» программаси.

● МТ II

7.30 Эрталабки гимнастика. 7.45 «Минора». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»). 9.10 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Тост ёки журналист монологи». Латвия ўрмонлари ҳақида (Рига). 9.30 «Солдат Иван Бровкин». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия). 11.00 Концерт. 11.30 «Совет Россияси» видеоканали. 14.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Иллюзион». «Мэри Пикфорд бўсаси». Бадиий фильм («Межрабпом-Русь» ва «Совкино», 1927 й.). 17.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 17.55 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. Бадиий раҳбар — СССР халқ артисти Н. Некрасов. 18.25 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фил ҳақида эртак». Кўрсатув тугагач — Тунги сеанс. «Шайтон малайлари жинлар тегирмонида». Бадиий фильм (Рига киностудияси).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Ёш ленинчи
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03235. Д. — 23467.